O'ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (748) 2023 йил 17 ноябрь, жума
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# БАРЧА ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, муҳим ижтимоий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида 16 ноябрь куни Сурхондарё вилоятига келди.**

Дастлаб буюк олим Ҳаким ат-Термизий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тиланди. Уламолар билан суҳбатда бугунги таҳликали замонда содир бўлаётган турли низо ва урушлар туфайли бегуноҳ инсонлар қони тўкилаётгани қайд этилди. Бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик қадрини янада теран англатиб, инсонда шукроналик руҳини уйғотади. Бундай улуғ неъматлар аҳамиятини, Термизий каби боболаримиз илм-маърифатини ёшларга етказиш муҳимлиги таъкидланди. Шу масалалар бўйича Термизда илмий конференция ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Вилоят иқтисодиёти сўнгги йилларда замонавий саноатни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва текстиль соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш орқали янада юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ғояси асосида жанубдаги воҳа салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳудудларнинг "ўсиш нуқталари" белгилаб олингани одамларнинг турмуш даражасини ошириб, тинч, тўкин ҳаётидан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётир. Президентимизнинг жорий йил 13 март куни вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгилаб берган вазифалари ижроси ҳам юрт ободлиги ва Сурхон аҳлининг фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 29,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 105,2 фоизга етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9 триллион сўмни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 триллион сўмни, пудрат ишлари 5,2 триллион, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 24,2 триллион, хизматлар ҳажми 11 триллион сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,4 миллион сўмга етказилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 фоизга ўсиш таъминланди. 161,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар Хитой, Россия, Покистон, Туркия, Афғонистон, Қозоғистон каби дунёнинг 27 давлатига экспорт қилинмоқда. Дастурлар асосида 1,3 миллиард долларлик 1 минг 36 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Вилоят иқтисодиётида юз бераётган бундай оламшумул ўзгаришлар одамларнинг бандлик масаласини ҳал этиш, барча замонавий қулайликларга эга уй-жойлар қуриш, йўллар, таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини тубдан реконструкция қилиш, янгиларини барпо этиш сингари ишлар кўламини кенгайтирди. Масалан, ўтган йилнинг 9 ойида 203 минг 300 иш ўрни ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 353 минг 300 та иш ўрни яратилди.

Яқин йилларда ҳам аграр ҳудуд бўлган вилоят иқтисодиёти юксалиб, даромад манбаи ошаётгани камбағаллик даражасини 13,8 фоиздан 11,2 фоизга камайтирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида Бойсун туманида бўлиб, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган йирик лойиҳалардан бири – "Мустақилликнинг 25 йиллиги" газ-кимё мажмуаси қурилиши билан танишди.

Бу ерда газ кони бир неча ўн йиллар олдин топилган. Бироқ географияси мураккаблиги, ўша пайтда замонавий технология ва маблағ бўлмагани учун кон ўзлаштирилмаган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев қатъияти билан бу борада амалий қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбари 2019 йил апрель ойида бу ерда бўлиб, дастлабки қидирув ва техник-иқтисодий асослар билан танишган эди. Ўша йилнинг декабрь ойида заводни қуриш ишлари бошланди. "Surhan Gas Chemical Operating Company" хорижий корхонаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг қиймати 2,9 миллиард доллар. Мажмуа йилига 5 миллиард метр куб газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Ҳозиргача конни ўзлаштиришга 1 миллиард 450 миллион долларлик инвестиция киритилиб, 20 та қудуқда бурғилаш ишлари якунланган. 11 та газ қудуғи синовдан муваффақиятли ўтган. Пойдевор ишлари ва металл конструкциялар қуриш деярли якунига етган.

Завод лойиҳалари ва қурилиши "Shell" компаниясининг лицензияланган технологиялари асосида олиб борилмоқда. У энг илғор экологик талабларга мос бўлиб, ишлаб чиқаришдаги зарарли чиқиндиларни 99 фоиз зарарсизлантириш имкониятига эга. Бундай ускуналар МДҲ давлатлари ичида биринчи бор ушбу заводга ўрнатилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, завод электр энергияни ҳам ўзи генерация қилади ва туман аҳолисига етказиб беради.

Давлатимиз раҳбари шу ерда геологик қидирув ва сейсмик тадқиқот ишлари якунлари билан танишди. Инвесторлар, конни ўзлаштиришда қатнашаётган мутахассис ва қурувчилар билан суҳбатлашди.

– Асосий мақсад газни хомашё ҳолатида сотиш эмас, уни қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар олиш бўлиши лозим. Инвестиция тез вақтларда ўзини оқлаб, завод рақобатбардош бўлиши учун охирги маҳсулот сифатли ва юқори даромадли бўлишига эришиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу бўйича қарор ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мажмуа Бойсун шаҳридан 20 километр узоқда жойлашган. Айни пайтда унинг қурилишида 7 мингдан ортиқ киши, махсус техникалар ишламоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи келгуси йил май ойида ишга туширилади, 2025 йилда тўла қувватга чиқади.

Президентимиз Сариосиё туманидаги Тўпаланг гидроэлектр станциясида амалга оширилган модернизация ишларини ҳам кўздан кечирди.

Мамлакатимиз ҳам иқтисодий, ҳам аҳоли сони жиҳатидан ўсиб, энергетика қувватларига талаб йилдан-йилга ортмоқда. Буни таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан барча манбалар ишга солинмоқда. Жумладан, гидроэнергетикани ривожлантиришга катта урғу беriляпти. Сўнгги йилларда 19 та янги гидроэлектр станция барпо этилди, 13 таси модернизация қилинди. Улардан энг муҳими Тўпаланг гидроэлектр станциясидир. У 2006 йилда ишга туширилган пайтда жами 30 мегаватт қувватли иккита агрегат бўлган.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг апрель ойида бу ерга ташриф буюриб, яна иккита гидроагрегат қуриш юзасидан топшириқ берган эди. Аввалига сув омбори тўғони қўшимча 20 метрга кўтарилди. Натижада унинг сиғими 380 миллион куб метрдан 500 миллионга етказилди. Замонавий технологиялар асосида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, жами қуввати 145 мегаваттли иккита агрегат ўрнатилди. Шу тариқа, Тўпаланг ГЭСининг умумий қуввати 175 мегаваттга етиб, Чорвоқ ГЭСидан кейин мамлакатимиздаги иккинчи йирик станцияга айланди.

Самарадорлигини айтганда, бу ерда йилига қўшимча 467 миллион киловатт/соат электр қуввати яратилди. Қарийб 167 мингта хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди. Бу йилига ўртача 107 миллион метр куб табиий газни тежаш имконини беради.

Президентимизнинг жорий йил март ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Тўпаланг гидроэлектр станциясини модернизация қилиш лойиҳасига старт берилган эди. Галдаги ташриф чоғида мазкур лойиҳа асосида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Шу ерда Тўпаланг дарёси негизида гидроэнергетика қувватларини ошириш бўйича тақдимот ҳам ўтказилди. Унга кўра, келгуси йилларда дарёнинг юқори қисмида қуриш учун 20 та истиқболли лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг умумий қуввати 264 мегаватт бўлиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни кенгайтириб, ҳар бир сой, имконияти бор ҳар бир маҳаллада микро ГЭСлар барпо этиш мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, Сурхондарёда кўмир қазиб олиш имкониятлари бўйича ахборот берилди. Қайд этилганидек, ҳудудда 82 миллион тонна кўмир захираси аниқланган. Бугунги кунда 541 минг тонна қазиб олинмоқда. Буни 2 миллион тоннага етказиш, мутахассислар тайёрлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари кўпайтирилмоқда. Жумладан, гидроэнергетикада бир оқим орқали кўп марта "яшил энергия" ҳосил қилиш мумкин. Шу боис Президентимизнинг 2017 йил 17 октябрдаги қарорига мувофиқ, Тўпаланг дарёсида кичик электр станциялари ҳам қурилди. Хусусан, 2020 йил декабрь ойида 37 мегаваттли "Зарчоб-1" ҳамда 2021 йил сентябрь ойида 38 мегаваттли "Зарчоб-2" ГЭСлари ишга туширилди. Бугунги кунда уларда 48 мингта хонадонга етадиган электр энергияси ҳосил қилинмоқда.

Дарёнинг қуйи қисмида яна бир кичик ГЭС – "Зарчоб-3" қурилиши лойиҳалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида унинг қурилишига тамал тоши қўйилди. Бу станциянинг қуввати 16 мегаватт бўлади ва йилига 70 миллион киловатт/соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. У табиий ва қайта тикланувчанлиги билан аҳамиятли. Шунингдек, бошқа қувватлар асосан кундузи ишлаб чиқарилгани боис, бу йўналиш энергетика тизимида ростловчи вазифасини ҳам ўтайди. Олинадиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Ҳозирги тизим бўйича дарё суви махсус босим остида аввал Тўпаланг ГЭСига йўлланади. Ундан кейин бир-биридан унча узоқ бўлмаган Зарчоб станцияларидаги парракларни айлантиради.

Шунингдек, хусусий сектор томонидан микро ГЭСлар барпо этишга ҳам кенг имконият берилмоқда. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, кичик ва микро ГЭСларни қуриш истагидаги тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрни давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган.

2021 йилда Термизда бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида ичимлик суви билан боғлиқ муаммога алоҳида тўхталган эди. Ўша пайтда ҳудудда марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 60 фоиз атрофида эди. Президентимиз бу борада "Тўпаланг" сув омбори улкан ва тоза манба эканини таъкидлаб, уни аҳолига етказиш бўйича лойиҳа тайёрлаш вазифасини қўйган эди.

Ҳақиқатан ҳам, бу ҳавзага сув тоғлардаги қор ва муз эришидан йиғилади. Текширувларга кўра, бу сувнинг қаттиқлик даражаси 4 фоиз, фойдали минералларга бой ва мусаффо. Бундан фойдаланиб, Сурхондарё аҳолиси учун муҳим ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида сув омборидан то Термиз шаҳригача 380 километр металл қувурлар тортилади. Унинг 159 километри магистрал, 221 километри шаҳар ва туманларни боғловчи ички тармоқлардир. Шунингдек, сув тозалаш, босимни камайтириш ва сув йиғиш иншоотлари қурилади. Бугунги кунда 147 километр қувур тортиб бўлинди. Сув тозалаш, босимни камайтириш ва бешта сув йиғиш иншооти барпо этилди.

Сариосиё тумани Боғистон маҳалласида ушбу лойиҳанинг биринчи босқичини ишга тушириш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, "оби ҳаёт" йўлини очди. Мазкур босқичда сув Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларига етиб борди. Вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 70 фоизга етди. Яна бир муҳим жиҳати, сув ўз оқими билан тушиши туфайли 8,6 миллион киловатт/соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 90 фоизга етказилади. Бундан Сариосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Бандихон, Қизириқ, Шеробод, Ангор, Музработ , Термиз туманлари ва Термиз шаҳридаги 2 миллионга яқин аҳоли баҳраманд бўлади. Лойиҳани 2024 йилда ниҳоясига етказиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Сариосиё туманидаги Себзор маҳалласида бўлди. Бу ерда 7 минг 600 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Тўртта корхона, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида шу ерлик ёшлар доимий иш билан банд. Маҳалла аҳли асосан боғдорчилик, чорвачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Ўттиздан ортиқ деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари "Баракатулло Давр Барака" фермер хўжалиги боғида бўлиб, полиз экинлари ривожини кўздан кечирди. Бу ерда 6 гектар олма, 1,3 гектарда хурмодан мўл ҳосил олинмоқда. Дарахтлар қатор ораларида эртаки экинлар, жумладан, оқ бошли карам, пиёз, саримсоқпиёз етиштирилган.

Маълумки, Сурхондарёнинг иқлими эрта ҳосил олиш имконини беради. Лекин қишлоқ хўжалигида илмий ёндашув етишмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун вилоятда in-vitro лабораториялари ташкил этиб, уруғчиликни яхшилаш, умуман, Сурхондарё қишлоқ хўжалигини экспортга ихтисослаштириш зарурлиги таъкидланди. Боғ, тоғ ёнбағри ва дала четларини хатловдан ўтказиб, экинлар учун қўшимча имкониятларни ўрганиш, олимларни жалб этиб, маҳсулотлар ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, қайта ишлашни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Маҳаллада ижтимоий масалалар ҳам манзилли ҳал этилмоқда. Йўллар таъмирланган. Куз-қиш мавсуми олдидан трансформаторлар янгиланди, қўшимча симёғочлар ўрнатилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасасида зарур шароитлар яратилган. Яқинда маҳалла ҳудудида кичик тиббиёт пункти ташкил этилди. Президентимиз ундаги шароитларни кўздан кечирди.

Асосан профилактик кўрик ва патронаж хизмати билан шуғулланадиган ушбу муассасада бир нафардан шифокор ва доя, икки нафар ҳамшира фаолият олиб боради. Маҳалла аҳолиси илгари 27 километр масофадаги шифохонага борар эди. Энди уларнинг узоғи яқин бўлди. Бу ерда болаларни эмлаш, сурункали беморларни соғломлаштириш ва уларнинг назоратини олиб бориш йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда тиббиёт ходимлари ва мутасаддилари билан суҳбатлашди.

– Мени энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири – халқимизнинг соғлиғи. Шунинг учун шифохоналар қуришга, ижтимоий дорилар таъминотига, тез тиббий ёрдамга катта маблағ ажратиляпти. Тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари ҳам оширилди. Энди муҳими – аҳолини касаллик бўйича хавф гуруҳига ажратган ҳолда, манзилли даволаш ва соғлиғини назорат қилиш, – деди Шавкат Мирзиёев.

Масалан, бир ҳудуд аҳолисининг 30 фоизи касал ёки касалликка мойил бўлади. Маҳалладаги тиббиёт ходимлари уларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳволини кузатиб бориши керак. Шу билан бирга, тўғри овқатланиш, кўпроқ пиёда юришнинг фойдасини кенг тушунтириш, маҳаллаларда фитобарлар ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмга ташриф буюрди.

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қўшинларнинг жанговар салоҳияти ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун барча шарт-шароит яратилган. Ўқув бинолари, маънавият ва маърифат хоналари, спорт зали энг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган.

Давлат раҳбари ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, чегарани қўриқлашда қўлланилаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни кўздан кечирди. Бунда учувчисиз учиш аппаратларининг аҳамияти алоҳида таъкидланди, уларни ишлаб чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг шайлиги, замонавий қурол-аслаҳалар, учувчисиз учиш аппаратларини бошқариш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарига "Bayraktar TB2" разведка-зарба учувчисиз учиш аппаратининг парвози намойиш этилди.

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**



# ҚУРИЛИШ МАДАНИЯТИ
## соҳа ривожининг муҳим жаҳатларидан бири

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Вақт ўтгани сайин техник тараққиёт сабаб барча соҳаларда жиддий ўзгаришлар содир бўляпти. Жумладан, бугунги ва 50 йил олдин қурилган бинолар орасида анча фарқ бор, деб бемалол айта оламиз. Қурилиш материалларидан тортиб, бинолар дизайни ва янги қурилиш услублари пайдо бўлган даврдамиз. Айнан шуни инобатга олиб, қурилиш соҳаси учун жуда муҳим ҳисобланган мавзулардан бири – қурилиш маданияти ҳақида ёритишни мақсад қилдик. Афсуски, бу мавзуда ўзбек тилидаги маълумотлар жуда кам, бори ҳам анча саёзлигига гувоҳ бўлдик.**

Қурилиш маданияти турли даврдаги инсонларнинг ўзига хос дунёқараши, тафаккури, ижодкорлигини ифодалайдиган бунёдкорлик ишларидир. Масалан, Темурийлар даврига оид обидалар бугун ҳам салобат билан қад ростлаб турибди. Бу тарихий маданиятни кўриш учун дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келиши бежизга эмас. Чунки бу олис тарихий маданиятдан ажойиб хабарномадир.

▶ 4-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (748) 2023 йил 17 ноябрь

# Мавсумга қай даражада тайёрмиз?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кузнинг сўнгги ойида кўпчиликнинг ташвиши ортади. "Бу йилги қиш қандай келаркан?", "Ундан қийинчиликсиз чиқиб олармиканмиз?" деган саволлар ҳар биримизни ўйлантириши табиий ҳол. Бу саволларга АОКАда Қурилиш ва ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан "Кўп қаватли уй-жойларда иссиқлик таъминотини янада яхшилаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида вазирлик мутасаддилари батафсил жавоб беришди.**








Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 сентябрдаги 581-Ф/49-сон фармойишига асосан, Республика иқтисодиёт тармоқлари, саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш объектлари, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳани 2023/2024 йиллар куз-қиш даврида энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида Республика ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланган. Айни пайтда ишчи гуруҳи томонидан 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли ва кўп квартирали уй-жой фондининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаб бериш бўйича кунлик ишлар мониторинги олиб борилиб, йўл қўйилган камчиликларни тезкор бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Матбуот анжуманида истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини сифатли етказиб бериш ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида иссиқлик таъминоти соҳасида маҳаллий бюджет маблағлари ва корхона ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан 31 та марказий ва маҳаллий, 803 та қозон ҳамда 572,9 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларида мукаммал ҳамда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Бугунги кунда 24 та қозонхона, 774 та қозон ва 560,5 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари таъмирланди. Иссиқлик таъминоти соҳасида мавсумга тайёрлаш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши лозим бўлган Андижон вилоятида 2 та қозонхона, 4 та қозон ва 0,7 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари, Наманган вилоятида 7 та қозон ва 2,8 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари, Самарқанд вилоятида 1 та қозонхона ва 1 та қозон, Сурхондарё вилоятида 2 та қозонхона, 6 та қозон ва 0,65 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари, Тошкент вилоятида 1 та қозонхона, 8 та қозон ва 6,83 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари, Фарғона вилоятида 5 та қозон ва Хоразм вилоятида 1 та қозонхона ва 1,4 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларида таъмирлаш ишлари зарурий маблағлар ўз муддатларида ажратилмаганлиги сабабли "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари томонидан ишлар якунланмаганини айтиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги "Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 194-сонли қарорининг 13-бандига асосан хоналарни иситиш эҳтиёжлари учун иссиқлик энергиясини беришда етказиб берувчи иситиш даврини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатларда бошлаши ва тамомлаши ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, иситиш даври ташқи ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 8 С дан паст бўлган 5 кунлик давр тамом бўлган кундан кейинги кундан бошланиши, 8 С юқори бўлганда эса тамомланиши керак.

Маълумот ўрнида, бугунги кунга қадар 8 та ҳудудда, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Навоий, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ҳудудий ҳокимликларнинг тегишли қарорларига асосан, 2023/2024 йиллар иситиш мавсуми бошланган.

Бундан ташқари, куз-қиш мавсумида энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, энергия ресурсларини кафолатли етказиб бериш юзасидан кўп қаватли уй-жой фонди, иссиқлик ва ичимлик сув таъминоти объектларини мавсумга тайёрлаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида республикадаги 5 593 та кўп квартирали уйни таъмирлаш режалаштирилган. Таъмирлаш ишларига жами 280,5 млрд сўм (шундан, 182,8 млрд сўм республика ва маҳаллий бюджет, 73,4 млрд сўм бошқарув ташкилотлари, 24,2 млрд сўм ҳомийлик) маблағ ажратилиши белгилаб олинган. Жумладан, 2 000 та уйнинг 932 минг метр квадрат том қисми, 4 777 та кириш йўлаклари, 2 797 та электр тақсимловчи шитлар, 1 599 та уйнинг ертўла муҳандислик коммуникациялари, 1 228 та кўп квартирали уйнинг фасад қисмини таъмирлаш ҳамда подъездларга 1 632 та кодли қулфли эшиклар, 5 811 метр квадрат фрамуга ромлари ва 2 898 та энергиятежамкор сенсор лампалар ўрнатиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунга қадар 5 531 та кўп қаватли уйлар таъмирланди. 1 997 та уйнинг том қисми, 4 747 та кириш йўлаклари, 2 681 та электр қутилари, 1 583 та ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари таъмирланди. 4 656 та кўп қаватли уйдаги кириш йўлакларига 49,1 мингта ҳаракат датчикли лампалар ўрнатилди ва натижада бир суткада 58,9 минг кВт соат электр энергияси иқтисод қилишга эришилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар туманларига бириктирилган вазирликнинг ишчи гуруҳлари жойларга чиққан ҳолда, кўп квартирали уйларни 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни жойида бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрининг 12 та туманида 585 та маҳалла, 173 707 та якка тартибдаги хонадон, 11 077 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, жами 701 658 та хонадонда 3 млн нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ишчи гуруҳ томонидан яқинда 12 та тумандаги 578 та маҳаллада 48 та кичик ишчи гуруҳ ташкил этган ҳолда кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектлар ҳолати "маҳаллабай" ўрганилди. Умумий ўрганилган 13 950 та объектдан 7 177 тасида муаммолар аниқланди. Шунингдек, 6 317 та кўп қаватли уй, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларда аниқланган 11 406 та муаммоли масалалар бартараф этилди.

Демак, тайёргарлик қай даражада эрта ва пухта бўлса, муаммолар ҳам шунча тез барҳам топади.

# Ноқонуний қурилишлар назоратга олинди

**Орифжон ИСМОИЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи Лазиз Позилов, вилоят бош архитектори Бекзод Раҳимовлар билан бирга Фарғона шаҳрида ўрганиш ишлари олиб борилди.**




Шаҳарнинг "Бешбола" ва "22-Мустақиллик" МФЙ ҳудудларида олиб борилган ўрганишлар давомида ободонлаштириш ишлари ва ер қонунчилиги талабларига риоя этилиши бўйича мавжуд ҳолат билан танишилди. Ҳудудда шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган йўл четидаги ерларни шахсий фойдаланиш учун ўзбошимчалик билан деворлар билан ўраб олиш, ноқонуний қурилишларни амалга ошириш ҳамда ердан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланди.

Мутасадди ташкилотлар аралашуви билан ноқонуний қурилиши бошланган объектлар ўз эгалари томонидан бузишга киришилди. Қурилишлар ўрни, шунингдек, шахсий мақсадда фойдаланиб келинаётган майдонлар тезкор тартибда тозаланиб, ўрнига манзарали дарахтлар экилишини таъминлаш, ҳудудда яшил макон ташкил этиш бўйича шаҳар ҳокими ва масъулларга қатъий топшириқ берилди. Ноқонуний қурилишлар ва ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича тизимли иш ташкил этиш чоралари белгиланди.

Шунингдек, Фарғона шаҳрининг "Бешбола" ҳамда Қувасой шаҳрининг "Қўчқорчи" МФЙлари ўртасида жойлашган Исфарамсой ҳудуди ҳам кўздан кечирилди. 100 гектарга яқин майдонни эгаллаган мазкур ҳудуд кучли ёғингарчилик мавсумида сел келиш хавфи мавжудлиги боис самарали фойдаланилмайдиган ер ҳисобланади. Масъулларга ушбу майдонни фойдаланишга киритиш учун малакали мутахассисларни жалб этиб, эҳтимолий сув оқимини жамловчи канал барпо қилиш бўйича хавфсизлик талабларига тўла жавоб берадиган концепция ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

# ҚИШНИНГ ҒАМИ ЕЙИЛДИ

## унинг самарасини вақт кўрсатади

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигидагига нисбатан салқин ҳаво қиш фасли тобора яқинлашаётганидан дарак бермоқда. Бу эса табиийки, энг асосий вазифа қиш мавсумига тайёргарликни янада жиддий кўришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда Наманган вилоятида "Иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш" давлат унитар корхонаси ҳамда тегишли соҳа ходимлари томонидан мавсум олди юмушларини сифатли амалга ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Улар ақлли қозонхоналарни ўрнатиш, мавжудларини мукаммал таъмирлаб, ишчи ҳолатга келтириш чораларини кўришяпти. Мақсад битта – аҳолини куз-қиш мавсумидан беталафот олиб чиқиш. Шу боис, мутасаддилар жараёнда энг аввало таълим даргоҳлари, ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли уйларга ўрнатилган ақлли қозонларнинг шайлиги, муқобил энергия – кўмир захирасининг етарлилиги каби зарур юмушларни жойларга борган ҳолда кўздан кечиришмоқда. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришмоқда. Боиси, кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларида ақлли қозонхоналар фаолияти узлуксизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири саналади. Қолаверса, энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб қилиш мақсадида шаҳар ва туманларда қатор юмушлар бажарилмоқда.

– Бугунги кунда Наманган вилоятида жами 18 та қозонхона ишлаётган бўлиб, улар вилоятдаги 197 та кўп қаватли уйлар ҳамда 23 та ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумида иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув билан таъминлаб келмоқда, – деди Наманган вилояти "Иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш" ДУК АКТ мутахассиси Моҳиржон Тўғанбоев. – Бу йилги мавсумга тайёргарлик кўриш мақсадида корхона томонидан 19 та қозонни жорий таъмирлаш ҳамда 7 та қозонни мукаммал таъмирлаш, 0,35 километр иссиқлик тармоқларини жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари режалаштирилган эди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида жами 3 миллиард 670 миллион сўм маблағ ўзлаштирилган. Бундан ташқари, куз-қиш мавсумига ижтимоий соҳа объектларини сифатли тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан улар давлат хусусий шериклигига берилган. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда давлат хусусий шериклари ўртасида икки томонлама шартномалар тузилиб, ҳозирги кунда тадбиркорлар томонидан таъмирланиши керак бўлган қозонхоналар ва қозонларни таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда. Наманган вилоятининг Поп ҳамда Чуст туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилаётган бўлиб, ушбу ҳудуддаги кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларида жами 2 та қозонхона қурилган. Уларга 1-3 мегаваттли қозонлар ўрнатилган. Уларнинг тармоққа тортиш ва монтаж ишлари бугунги кунда жадал суръатларда олиб борилиб, бу юмушларни қисқа муддатларда якунлаш чоралари кўрилмоқда.

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида бугунги кунда 350 дан ортиқ кўп қаватли уй мавжуд. Қарийб 20 йил давомида марказлашган иссиқлик тизимидан умуман фойдаланилмаган. Аҳоли манфаатлари устувор қўйилиши самарасида 2021-2022 йилда иссиқлик тизимини ташкил этиш борасида ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Хусусан, давлатимиз томонидан 268 миллард сўм маблағ эвазига марказий корхона ишга туширилди. Лойиҳа ўтган йилда муваффақиятли синовдан ўтди. Биринчи босқичнинг ишга тушиши натижасида 1-, 2-, 3-кичик туманлардаги 153 та кўп қаватли уй ҳамда 21 та ижтимоий соҳа объектида иссиқлик таъминоти йўлга қўйилди. Бунинг учун 30 километр узунликда магистраль тармоқ тортилди. 153 та кўп қаватли уйнинг ертўласига 184 та индивидуал иситиш пункти ўрнатилди. Қуввати 14 мегаватт бўлган ақлли қозонлар олиб келинди. Энг асосийси, қозонхоналарда газ ва электр энергияси иқтисод қилинмоқда. Агар тизимда носозлик кузатилса, бошқарувга сигнал берадиган замонавий ускуналар билан ҳам жиҳозлангани фавқулодда вазиятларни олдини олишга хизмат қилмоқда.

– Давлатобод туманида марказий қозонхона янгидан барпо этилиб, 2022-2023 йиллар мавсумида фойдаланишга топширилди. Ўтган йилги куз-қиш мавсумида аҳолини беталафот олиб чиқишга эришилди, – деди қозонхона раҳбари Адҳамжон Тожибоев. – Нафақат беталафот олиб чиқилди, балки табиий газ ҳам иқтисод қилинди. Бу қозонхонадаги барча технологиялар янги бўлгани сабабли аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Хитойдан келтирилган ушбу қозонхоналарда эконавайзер қисми бор. Иссиқлик алмашинув пункти бор ҳар бир кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмида ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида қозонхонадан борадиган иссиқликни йўқотишларсиз хонадонларга етказиб берилади. Магистраль қувурлар ёпиқ тизимга ўтказилиб, махсус қопламалар билан ер остидан монтаж қилинган бўлиб, унда вай-фай тизими ишлаб туради ва улар носозликлар кузатилса, дарҳол бу ҳақда бошқарув пультига сигнал бериб туради. Мазкур қозонхона бир вақтнинг ўзида Давлатобод туманидаги 4 та маҳалладаги 153 та кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи 7 минг 592 та хонадон ва 21 та ижтимоий соҳа объектига хизмат кўрсатиб келади. 4 та қозоннинг 2 таси доимий ишчи ҳолатида турса, яна 2 таси эса захирада. Фавқулодда ҳоладларда совуқ кучайишига қараб ёки носозликлар пайдо бўлганда, захирадаги қозонхоналар ҳам ишга тушади. Қозонларни куз-қиш мавсумига август ойидаёқ тайёр ҳолатга келтирганмиз. Бир сўз билан айтганда, мавжуд барча носозликлар бартараф қилиниб, қозонлар ҳозирги кунда мавсумга шай ҳолатга келтирилган.

Албатта, олиб борилган ишлардан туман аҳолисининг қувончи чексиз. Боиси бир неча йиллик муаммолар ечим топди. Эндиликда замонавий тежамкор қозонхоналардан фойдаланилаётгани ҳар томонлама қулайлик туғдиряпти. Уларнинг барчаси халқимизнинг давлатдан рози, турмушидан миннатдор бўлиши, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Наманган шаҳридаги кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектларига ҳам ўз вақтида иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиш, энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида зарур юмушлар изчил бажарилмоқда. Шу кунга қадар 3 та қозонхона биноси таъмирдан чиқарилди. 19 тасида эса жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. 1,7 километр узунликда иссиқлик тармоқларидаги носозликлар бартараф этилди. Жараёнлар кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тиббиёт муассасалари биноларидаги қозонхоналарни совуқ кунларда узлуксиз ишлаши учун зарур юмушлар бажарилди. Масалан, Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг қозонхонаси ҳам куз-қиш мавсумига тайёр ҳолга келтирилди. Қозонхона бир вақтнинг ўзида ҳам шифохона, ҳам 9 та кўп қаватли уйларга ва 4 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатади. Бинога учта энергия тежамкор ҳамда фойдали иш коэффициенти юқори ақлли қозонлар ўрнатилган.

– Қозонхонамиз вилоят иссиқлик таъминоти марказига қарашли бўлиб, унда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилди, – деди Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳудудидаги қозонхона бошлиғи Ойбек Валиев. – Қозонхонадаги ускуналар созланиб, барча қувурлар теплоизоляциялар билан ўраб чиқилди. Бу эса қозонхонадан чиқаётган иссиқлик ҳароратини бориш манзилларигача ташқарига йўқотмай ва сифатли етказиб беришга кўмак беради. Наманган шаҳридаги 78 та кўп қаватли уйга шунингдек, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази шифохонаси ва вилоят жисмоний тарбия соғломлаштириш марказига хизмат кўрсатади. Қозонхонамизда янги тежамкор қозонлар ўрнатилгани сабабли ҳар ойда 20 минг 25 табиий газни анча иқтисод қилиш имконияти яратилган.

Айтиш жоиз, соҳага хусусий инвестиция жалб этиш қарори ижроси юзасидан вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги ижтимоий соҳа объектларини иситиш тадбиркорларга ажратиб берилгани айни муддао бўляпти. Боиси, ўтган йиллар давомида иссиқлик тизимида учраган носозликлар ана шу тадбиркорлик субъектлари томонидан бартараф этиш чоралари кўриляпти. Масалан, Тўрақўрғон туманидаги 12-сонли умумий ўрта таълим мактабида аёзли кунларга тайёргарлик ишлари ана шундай тадбиркорлар томонидан бажарилди. Ҳозирда мактаб биносини тўла қувват билан иситиш учун 7 та ақлли қозон ўрнатилган.

– Бугунги кунда Тўрақўрғон туманидаги барча муассасаларда иситиш тизимини давлат шерикчилиги асосида амалга оширяпмиз, – деди тадбиркорлик субъекти иш бошқарувчиси Алишер Шерматов. – Шу кунгача мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари, спорт мактаблари жами 51 та объектда қозонлар ўрнатиш ишларини олиб бордик. Бундай модернизация ишлари 100 фоиз якунланди. Режага кўра, 69 та қозон ўрнатишимиз зарур эди. Шундан 57 тасини ўрнатиб бўлдик. Ҳозирда қолган 12 таси келтирилиб, уни ўрнатиш ишлари ҳам якунланмоқда. Биргина 12-сонли умумтаълим мактабига 7 та ақлли иссиқлик қозонхонаси ўрнатиб, уларнинг ички тизимлари соз ҳолатга келтирилди.

Наманган вилоятининг Чуст туманида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари якунланмоқда. Жумладан, тумандаги кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда таълим муассасаларида захираларни яратиш, қозонхоналар фаолиятини тиклаш, таъмирлаш ва модернизация қилиш каби зарур ишлар давлат хусусий шерикчилик асосида ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманларида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивларидаги кўп қаватли уйларга иссиқлик таъминотини узлуксиз етказиб бериш мақсадида ақлли қозонларни ўрнатиш ишлари якунига етказилди. Хусусан, мазкур юмушларни Чуст тумани мисолида оладиган бўлсак, ҳудудда кўп қаватли уйларни иситиш тизимини яхшилаш мақсадида хорижда ишлаб чиқарилган кам чиқим, энергия тежовчи учта ақлли қозонлар ўрнатилди. Ҳозирда уларни мавсумга тайёрлаш ишлари олиб бориляпти. Мазкур қозонхона бир вақтнинг ўзида 28 та кўп қаватли уй ҳамда 4 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

– "Янги Ўзбекистон" массивида бугунги кунда қурилиш жараёни кетяпти. Параллель равишда қозонхона ҳам қуриб битказилди, – деди Наманган вилояти "Иссиқлик манбаи" ДУК раҳбари Нурбек Валиев. – Қозонхонанинг умумий қуввати 3 мегаватт бўлиб, "Янги Ўзбекистон" массивидаги 28 та кўп қаватли ҳамда ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик билан таъминлашга мўлжалланган. Қозонхонада ҳозирги кунда 3 та қозон, ускуна жиҳозларини монтаж ишлари якунланган. Шу билан бирга, 3,3 километрлик иссиқлик тармоқлари тортилди.

Наманган вилоятида куз-қиш мавсумига тайёргарлик поёнига етказилмоқда. Уларнинг сифатли, пишиқ ва пухта бажарилгани эса аввало, аҳолининг совуқ кунлардан эсон-омон чиқиб олишини таъминлайди. Зеро, бугунги бажарилаётган саъй-ҳаракатлар эртанги кун учун муҳим қадамдир.

# Қурилиш сифати депутатлар назоратида

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қурилиш соҳасида сифат ва хавфсизликни таъминлаш масалалари, шунингдек, аҳоли учун ҳамёнбоп уй-жойлар қуриш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш мақсадида ЎзЛиДеП Хоразм вилояти кенгаши ҳамда партиянинг депутатлик гуруҳи вакиллари Урганч шаҳрида бунёд этилаётган Ал-Хоразмий шаҳарчасида олиб борилаётган қурилиш ишларини мониторинг қилишди.**

Ўтган йили қурилиши бошланган Ал-Хоразмий мажмуаси вилоятдаги энг йирик бунёдкорлик майдони саналади. Бу ерда технопарк, офислар, тиббиёт, инновация ва маданият марказлари, хиёбонлар, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, спорт мажмуалари, автотураргоҳ, савдо ва маиший бинолар бўлади. 5 минг хонадонли 104 та кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади. Иншоотлар ақлли технологиялар асосида жиҳозланади.

ЎзЛиДеП Хоразм вилояти кенгаши ҳамда партиянинг депутатлик гуруҳи вакиллари депутатлик назоратини олиб бориш мақсадида қурилиш ва бунёдкорлик ишларини ўргандилар. Бугунги кунда бу ерда қурилиш ишларининг биринчи босқичи якунланиб, 20 та 5 қаватли бино қуриб битказилди. Йил якунигача яна 12 та кўп қаватли уй қурилиши якунланиши режалаштирилган. Бунёдкорлик ишларига 35 та қурувчи пудратчи ташкилотлардан 2 минг нафардан ортиқ қурувчи жалб қилинган. Шунингдек, мажмуада Туркия, Қозоғистон ва Япониянинг қурилиш ташкилотлари ҳам муайян лойиҳаларни амалга оширишмоқда. Депутатлар ўрганишлар давомида шаҳарчада яратилаётган қулайликлар билан бир қаторда бажарилиши лозим бўлган ишларни ҳам соҳа вакиллари билан биргаликда муҳокама қилдилар. Айниқса, қурилаётган уйларга ишлатилаётган қурилиш хомашёларининг сифатига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, хавфсиз шаҳар тизими доирасида милиция таянч пунктлари қуриш ва кузатув камералари ўрнатиш, шунингдек, шаҳарча аҳолиси учун оилавий поликлиника, ўт ўчириш бўлими каби муҳим объектларни ҳам дастурга киритиш лозимлиги таъкидланди. Депутатлар томонидан Ал-Хоразмий ҳайкали олдида ташкил этиладиган хиёбонга ҳозирданоқ воҳа иқлимига мос манзарали дарахт кўчатларини экиш ишларини бошлаш зарурлиги айтилди.

– Ушбу мажмуа 2026 йилда тўла ишга тушириладиган бўлса, ҳозирда ўтқазилаётган манзарали дарахт кўчатлари ўз бўй-бастини кўрсатиб, шаҳар кўркига-кўрк қўшади, – деди депутат Отабек Янгибоев. – Булардан ташқари, қурилиш сифати ҳам бизнинг диққат марказимизда бўлди.

Назорат якунида соҳа вакилларининг депутатлар билан давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда депутатлар қурилиш ташкилоти ходимларига бир қатор тавсияларни бериб ўтишди.




# Замонавий ва кўркам зиё маскани қад ростлади

**Бухоро шаҳридаги 17-умумтаълим мактабининг 5 қаватли 990 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Янги ўқув биносининг фаолият бошлаши муносабати билан ўтказилган тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш, ёш авлодни муносиб шароитларда ўқитиш, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаш имкониятларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталди ва янги ўқув биноси билан мактаб жамоаси, ўқувчилар ва ота-оналарни муборакбод этди.

"G'IJDUVON GOVSHUN MAXSUS QURILISH MONTAJ" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилган қурилиш-бунёдкорлик ишларига қарийб 14 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Маросимда ўқув биноси қурилишида жонбозлик кўрсатган қурувчи-муҳандисларга эҳтиром кўрсатилди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари замонавий ва кўркам зиё масканига айланган бинода яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди, деб ёзади ЎзА мухбири Зариф Комилов.

Мактаб ҳудудидаги ер майдонига яхши ниятлар билан дарахт кўчатлари ўтқазилди.

# ТОЙЛОҚДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР

## ҳудудлар қиёфасини янгилаш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги йилларда мамлакатимиз қурилиш ва бунёдкорларида янгича услублар қўлланилгани учун бир-биридан муҳташам иншоотлар қурилмоқда. Буни Тойлоқ туманида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Илгариги пастқам, тартибсиз иморатлар ўрнини замонавийлари эгаллади. Ана шу шижоат кейинги йилларда янада авж олмоқда. 2023 йилга мўлжалланган ижтимоий инфратузилма дастурларининг ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Режага кўра, инвестиция дастури асосида 10,74 миллиард сўмлик ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш дастурлари асосида 10,2 миллиард сўмлик, жамоатчилик муҳокамасига мувофиқ ташаббусли бюджет платформаси орқали 15,2 миллиард сўмлик, биринчи навбатдаги муаммоли масалаларни ҳал этишга 13,27 миллиард сўм, жами 49,41 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши мўлжалланган эди.

– Президентимизнинг 2022 йилдаги ПҚ-465-сонли қарори бўйича 2023 йил мобайнида умумий қиймати 10,7 миллиард сўмлик 2 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган эди, – деди туман ҳокими ўринбосари Сардор Эралиев. – Жумладан, "Чороғбон" МФЙ, Янги Тойлоқ қишлоғида 360 ўринли умумтаълим мактаб биноси қурилиши режалаштирилган бўлиб, уни "Бунёдкор шижоат қурувчи" МЧЖ пудрат ташкилоти ўз муддатида фойдаланишга топширди. "Бунёдкор" МФЙда 4,2 миллиард сўм маблағ ҳисобига 120 ўринли 27-мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш эса "Меъмор Алишер Кумушкент" МЧЖ томонидан якунига етказиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йилдаги ПҚ-408-сонли қарори бўйича ҳам эътиборли ишлар бажарилган. Бу эса маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгаётганидан далолатдир.

– Мазкур қарор асосида умумий қиймати 10,2 миллиард сўмлик 15 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган, – деди туман ҳокимлиги қурилиш бўлими бошлиғи Санжар Шодиев. – Ичимлик суви бўйича 9 та объект режага киритилган. Унинг 4 тасини янги қурилишлар ташкил этади, яна 2 тасини реконструкция қилиш, 2 тасини мукаммал таъмирлаш, 1 та тармоқ тортиш ва 28,9 километр тармоқ ишлари мавжуд. Уларга 6,96 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, айни пайтда барчасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозиргача "Маданият", "Қўшчинор", "Ворсин", "Навбаҳор" МФЙларидаги 4 та янги сув иншооти қурилиши ишлари 95 фоизга бажарилди. 13,8 километрлик тармоқ тортиш ишлари эса 100 фоизга уддаланди. "Украч", "Хончорбоғ" МФЙларида 2 та сув иншоотини реконструкция қилиш ва 4,4 километрлик тармоқ тортиш ишлари тўлиқ амалга оширилди. "Боғизоғон", "Беклар" МФЙларида 2 та сув иншоотини мукаммал таъмирлаш ва 8,9 километрлик тармоқ тортиш ниҳоясига етказилган бўлса, "Боғичинор" МФЙда 2,8 километрлик тармоқ тортиш ишлари сифатли тарзда якунланди.

Бундан ташқари, йўл ва электр объектлари бўйича йил мобайнида амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳам муддатидан аввал охирига етказилди. 4 та объектда 2,78 миллиард сўмлик 5,3 километр йўлга асфальт ётқизилиб, жойларда симёғоч ва трансформаторлар алмаштирилди.

Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарори бўйича туманда очиқ бюджет маблағлари асосида бажарилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳам яхши фикрлар билдириш мумкин. Очиқ бюджет электрон платформасида 2022 йил 2-мавсумида 7,2 миллиард сўмга 16 та ташаббус ғолиб деб топилган. Шундан 2 та ижтимоий соҳа объекти, 2 та ичимлик суви иншооти, 6 та ички йўлларни таъмирлаш ва 7 та маҳалла фуқаролари йиғини биноси қурилиши белгиланган.

Ижтимоий соҳа объектларидан "Адас" МФЙда 4,6 миллиард сўмга 13-мактабгача таълим ташкилоти реконструкция қилиниб, 120 ўринли янги бино қурилиши "Фарҳод" корхонаси томонидан бажарилмоқда. Тумандаги 1- ва 58-умумтаълим мактабларида 1,39 миллиард сўмга моддий-техник базасини мустаҳкамлаш белгиланган эди. Пудратчи "Универсал иншоот строй" МЧЖ бу вазифани ўз вақтида бажарди. Ичимлик суви объектлари бўйича гапирилганда, "Хўжаюз" МФЙ Қарапчи қишлоғидаги лойиҳа қиймати 1,25 миллиард сўм бўлган янги сув иншооти қурилишини эслаш лозим. Бу ерда "Bunyodkor" МЧЖ томонидан 3,7 километрлик тармоқ тортилган ва қурилиш ишлари 100 фоизга бажарилган. Йўл объектлари бўйича 6 та объектда 5,79 миллиард сўмга 10,5 километр асфальт қилиш ишларини "Тойлоқ тумани йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси амалга оширди.

Булардан ташқари, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича 0,5 километр сув тармоқлари, 3 дона насос ускунаси, 0,5 километр газ қувури, 2 дона ГТП, 125,3 километр электр тармоқлари ва 61 дона трансформатор пунктини мукаммал таъмирлаш, 2 километр сув тармоқлари, 11 дона насос ускунаси, 1 дона ГТПни таъмирлаш, 195 та ГТПни тафтиш қилиш, 36 километр газ қувурларини босим остида синаш, 16 километр ер ости газ қувурлари ҳолатини текшириш, 6 километр газ қувурларини бўяш, 252,7 километр электр тармоқлари, 106 дона трансформаторни жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жорий йилда 34 та, шундан 18 та умумтаълим мактаби, 11 та мактабгача таълим ташкилоти ва 5 та соғлиқни сақлаш объекти иситиш тизими кўмирга мослаштирилди. Режага мувофиқ, тумандаги ижтимоий соҳа объектлари учун ҳозирги кунда 4248,0 тонна кўмир маҳсулоти жамғарилган.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Тойлоқ туманида амалга оширилаётган барча ишлар замирида ҳудудлар қиёфасини янгилаш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсади мужассамдир.

**БСКЛАР ФАОЛИЯТИДАН**

# Ишонч қўрғонини барпо этаётганлар




**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ишонч – катта масъулиятни англатади. Озчиликкина бу масъулият учун ҳамиша тайёр, атрофдагиларга ростгўйлиги ва самимийлиги билан ибрат бўлади. Хуллас, унга лойиқ бўлиш жуда мураккаб бўлса, уни бой бериш шу қадар осон. Бугун бутун фаолияти давомида ўз халқининг ишончини оқлашга, муаммоларини бартараф этишга интиладиган ҳаракатчан ва фидойи инсон ҳақида ҳикоя қиламиз.**

Мирзо Улуғбек туманидаги "Avayxon obod group" МЧЖ бошқарув сервис компаниясига раҳбарлик қилиб келаётган Икром Сатторов 1974 йил Наманган вилоятининг Косонсой туманида туғилган. Отаси ҳайдовчи, онаси мактабда ўқитувчи бўлган. Қаҳрамонимиз болалиги ҳақида ҳикоя қилар экан, оддий услубда қурилган уйлар, одамларнинг кўзларидаги соддалик ва меҳр-оқибатни алоҳида хотирлайди. Мактабни битиргач, адабиётга қизиқиши баланд бўлган Икром Сатторов 1990 йили Хўжанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга киради.



Шундай воқеалар бўладики, улар инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юборади. Қаҳрамонимизда ҳам шундай бўлди. Айнан ўқишни битирадиган йиллари Наманган воқеалари кун тартибида бўлиб турган вақтга тўғри келади.

– Ўша пайтларда одамлар анча эҳтиёткор эди, – дея 95-йилларни хотирлайди у. – Кечалари хоҳлаган жойда машинани тўхтатиб дам олишга ҳайиқишарди. Диний мутаасиблик, бола ўғирлаш, майда безорилик каби ҳолатлар кучайган давр эди. Шу сабабли ичимда Ватан тинчлигини, хавфсизлигини бевосита ҳимоя қилиш истаги пайдо бўлди. Қисматнинг ўзи мени Ички ишлар соҳасига бошлаб борди, деб ўйлайман.




1995 йил ватанпарварлик, йигитларга хос журъат ва мардлик билан ёниб турган қаҳрамонимиз Ички ишлар хизматига қабул қилинди. Аввалига оддий ходим сифатида фаолият бошлади. Шу билан қаҳрамонимизнинг ҳаёти Ички ишлар соҳаси билан туташди. 1999 йилда эса Ички ишлар академиясига иккинчи мутахассислик бўйича ўқишга киради. Бунгача соҳада катта тажриба орттириши ва иккинчи таълимнинг эса айнан ушбу соҳа бўйича давом эттириши унинг бу соҳада катта муваффақиятга эришишига сабаб бўлди. Узоқ йиллар давомида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб борди. Тартиб-қоидаларга кўра, Икром Сатторовнинг ҳам хизмат муддати 2015 йилда ўз ниҳоясига етади.

Бу соҳадаги фаолияти якунлангач, унинг ҳаётида яна бир янги саҳифа очилди. Мирзо Улуғбек туманидаги Султония маҳалласида маҳалла раиси сифатида иш бошлади. Жамоатчилик билан ишлашнинг узоқ йиллик самараси Икром акага бу борада анча асқатди. Маҳалла раиси сифатидаги фаолиятидан сўнг қаҳрамонимизда ушбу соҳага яқин, аммо фарқли бўлган йўналишда иш бошлаш имкони туғилди. 2021 йилда Авайхон маҳалласида ҳарбий хизматчилар учун 18 та кўп қаватли уй қурилди. Ҳокимлик ташаббуси билан намунали ва интизомли фаолияти туфайли Икром Сатторовга БСК очиш вазифаси топширилади. 2021 йилнинг ноябрь ойида ташкил топган компания 2022 йилдан бошлаб амалда ишлаш режимига ўтади. Қарийб 2 йиллик фаолияти компания учун ҳақиқий синов даври бўлди, десак адашмаймиз. Ҳаммасини бошидан бошлаш, одамлар ишончини қозониш, тизимни йўлга қўйиш учун бу икки йил жуда кам муддат. Аммо Икром Сатторов каби интизомли ва лидерлик қобилиятига эга раҳбар учун бу муддат етарли бўлди.

## БИЗ ОДАМЛАРНИ ҚАНДАЙ ИШОНТИРДИК?

Юқорида таъкидлаганимиздек, аввалига ҳарбийлар учун қурилган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни бошлаган "Avayxon obod group" МЧЖ бошқарув сервис компанияси фаолиятини 18 та дом билан бошлайди. Икром ака иш фаолиятини тизимлаштириш, фуқаролар муаммоларини вақтида ва тезкор ҳал қилиш эвазига 1,5 йил ичида 18 та кўп қаватли уйни 64 тага оширди. Қаҳрамонимиз аҳоли учун барча қулайликларни яратиш, сифатли хизмат кўрсатиш устида жиддий бош қотирди. Қисқа вақт ичида 18 турдаги пулли хизматлар ташкил қилади. Айниқса, ёш оилалар учун энагалик хизмати, гилам ювиш, доставка хизматлари мавжудлиги аҳоли учун анча енгиллик туғдирди. Шу билан бирга, бу каби хизматлар мавжудлиги бошқа кўп қаватли уйларнинг ушбу БСК таркибига қўшилишига сабаб бўлди.

БСК таркибида 64 та кўп қаватли уй бўлса, шулардан 44 тасида лифт мавжуд. Биласиз, лифтларнинг ўчиб қолиши, лифтда қамалиб қолиш каби ҳолатлар ҳам кўп учраб туради. Бу муаммони ечиш учун 24 соат давомида фаолият юритадиган лифтёр хизмати йўлга қўйилган. Ҳар бир лифтга лифтёр телефон рақами ва БСКдаги хизмат рақамлари, эслатмалар ёзиб қўйилган.

– Қолаверса, яна бир жиддий муаммога ечим топдик, – деди Икром ака. – Бошқарув ширкатлар 5 кунлик иш кунида соат 18.00 гача хизмат кўрсатарди. Ўзим яшайдиган ҳудуддаги ширкатлардан хулоса қилиб, биз 24 соат давомида фаолият юритишни ташкил қилдик. Нотўғри фойдаланиш оқибатида қувурлар ёрилиб кетиши ҳолатлари кўп учрайди. Туманда иш ҳажми кўплиги сабабли 1 иш кунида уни бартараф этиши мумкин. Вазиятни ҳисобга олиб, аварияни бартараф этиш хизматини ҳам ташкил қилдик. Ходимларимиз ҳудуддаги қайсидир хонадонда фавқулодда ҳолат юз берса, қўлидан келганча бартараф этишга сафарбар қилинади. Ойликлар масаласида кечикмай тўловни амалга оширишимиз ҳам ишчилардаги лаёқатнинг ортишига сабаб бўлди. Ҳозирда 42 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Қолаверса, фуқароларда тўлов маданиятининг етарлича шаклланмаганига кўп гувоҳ бўламиз. Яқинда Навоий шаҳрида тест режимида коммунал тўловларни ҳам электр энергияга интеграция қилиш жорий қилинди. Агар ушбу амалиёт ўзини оқласа, тўлов билан боғлиқ муаммолар ҳам ижобий ечим топиб, активлик бир неча каррага ўсади, наздимизда.

Бугунги кунда "Avayxon obod group" МЧЖ бошқарув сервис компанияси Авайхон, Шукур Бурҳонов, Олмачи, Подшобоғ каби маҳаллаларга хизмат кўрсатаётган бўлса, келгусида уларнинг сони бир неча карра ўсишига шубҳамиз йўқ. Компания қисқа вақт ичида юқори даражада ўсишга эришди. Вазифаларни вақтида адо қилиш, сўзга масъулият, фидойилик, сифатли ва тезкор хизмат, тизимлилик ушбу компаниянинг ўсишида асосий омил бўлган. Ҳудуд покловчиларига мотороллер олиб берилиши, улар орқали кераксиз ахлатларни ташиш ходимлар учун катта қулайлик яратмоқда.

## ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ

– Ким учундир жуда оддий одамдирман. Аммо шу халқимнинг, оиламнинг тинчлигини ҳар куни ўйлайман, – деди суҳбатимиз сўнггида Икром Саттаров. – Бу тупроқда яшайдиган барча мен учун жуда қадрли. Уларнинг розилигини олиш, табассумига, миннатдорлигига сабаб бўлишдан ортиқ бахт йўқ. Келгусида янада кўпроқ ватандошларимизга хизмат кўрсатишни мақсад қилганмиз. Умримнинг мазмунини юртимиз фаровонлигига сидқидилдан ҳисса қўшишда, деб биламан.

Компания фаолияти билан танишиш жараёнида Икром акага бизнинг ҳам ишончимиз ортди. Ҳатто ертўлаларгача тушиб, жараённинг жонли гувоҳига айландик. Истардикки, шу ишонч қўрғонига путур етмай, компания Ватан равнақи йўлида олға одимлашда давом этади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (748) 2023 йил 17 ноябрь

# ҚУРИЛИШ МАДАНИЯТИ
## соҳа ривожининг муҳим жаҳатларидан бири

◀ 1-бет

– Ҳар бир бинонинг шаклий, мазмуний ўлчами мавжуд, – деди Тошкент архитектура-қурилиш университети Қурилиш муҳандислиги технологияси кафедраси ўқитувчиси, техника фанлари номзоди, доцент Улуғбек Аҳмадиёров. – Қурилишда ҳам ҳурмат тушунчаси мавжуд. Сиз унда биринчи ўринда инсонлар саломатлиги, хавфсизлигини эътиборга олишингиз керак. Бунинг учун аввало, барча нормативларга меъёрдагидек амал қилиш лозим. Ҳар қандай қурилишни бошлашдан олдин унинг жойлашган ўрни, атрофдаги биноларга таъсирини инобатга олиш, бинони хизмат мақсадидан келиб чиқиб ташкил қилиш қурилиш маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Қурилиш маданияти ҳудудий хусусиятга ҳам эга. Ҳар бир вилоятда бўлакча қурилиш маданияти шаклланган. 50-60 йил олдинги ва ҳозирги биноларда ҳам катта тафовут мавжуд. Қисқа қилиб айтганда, қурилиш маданияти ҳар бир халқнинг интеллектуал имкониятлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ва у вазиятга қараб ўзгариб, шаклланиб бораверади.

Аслида қурилиш маданияти анча кенг қамровли тушунча. Юқорида Улуғбек Аҳмадиёров таъкидлаганидек, қурилиш маданияти ҳар бир нарсага юқори ва нозик ёндашувни ўз ичига олади. Қурилишга қанчалик дид билан, мукаммал лойиҳа асосида ёндашилса, маданият ҳам ўз ифодасини топади. Жонли мисол сифатида, Тошкентдаги Олимпия шаҳарчаси қурилиш лойиҳаси тақдимотини келтиришимиз мумкин. Лойиҳа хитойликлар томонидан тайёрланган бўлсада, биноларни безатишда маҳаллий архитекторлар фикрига қулоқ тутилгани, миллий нақшлар танланганини алоҳида қайд этиш керак. Бу ҳам шарқона маданиятнинг бир ифодаси, айни маданиятни айни замонда жонлантириш, сақлаб қолишга интилишдир. Қурилиш ва меъморчиликда ўзига хос маданиятга эгалигимиз эса қадимдан бунёдкор халқ бўлганимиздан далолат бериб туради.

Бу борадаги фикримизга қўшимча тарзда архитектор, “Хонсарой” компанияси қурилиш назорати бўлими раҳбари Дилмурод Мадатов шундай деди:

– Сизнингча, бинолар бирдан қурилиб қолганга ўхшаши мумкин. Аммо ўнлаб ҳужжатлар имзоланиб, тасдиқлангач бино бутунлай қабул қилинади. Қурилиш ҳам алоҳида маданият, алоҳида тафаккур маҳсулидир. Дейлик, атрофингиздаги бинолар оқ, сариқ рангда бўлиши, сиз эса объектни қизил рангда қуришни хоҳлашингиз мумкин, аммо сифат назорати буни қайтаради. Чунки ранглар ҳам инсон руҳиятига таъсир қилади. Бино ранглари бир-бирига уйғун бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳатто энг майда деталларгача эътибор берилади. Битта ноўрин қурилган, пардозланган объект ҳам шаҳарнинг умумий кўринишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қурилиш маданияти ўзингизни ҳурмат қилиш, ўзингиздан келиб чиқиб ўзгаларни ҳурмат қилиш, аҳолига хавфсиз, қулай ва замонавий уйларни қуриб беришдан иборат. Шу кичик қоидага амал қилсангиз ҳам катта нарсаларга эриша оласиз.

Дарҳақиқат, бугун қурилиш соҳаси энг йирик соҳалардан бири. Юртимизда минглаб қурилиш компаниялари, фирмалари фаолият юритади. Аммо уларнинг барчаси ҳам қурилиш маданиятига амал қилади, дейиш қийин. Чунки ўзига хос талабнинг мавжудлиги ва тартибга амал қилишни кўпчилик хоҳламайди, бу эса қурилиш маданиятидан четлаб ўтишга сабаб бўлади. Дунёда қурилиш соҳаси анча жадал суръатда ривожланаётган бўлсада, сифатли ишчи кучи муаммоси асосий кун тартибидаги масалага айланган. Сабаби, моҳир қурувчи-усталар, қайсидир компанияда ишлашдан олдин қурилиш маданияти қай даражада ривожланганига жиддий эътибор бермоқда.

Замонавий компанияларда шаклланган қурилиш маданиятига нималар киради ўзи?

**Хавфсизлик.** Қурилишни амалга оширувчи компания бино қурилишидан олдин қурилиш майдонини атрофдагиларга халақит қилмайдиган ҳолга келтириши, қурилиш майдонини махсус қоплама билан ўраб олиши керак. Иккинчи талаб эса, ишчиларнинг кийим ва махсус иш қуроллари билан таъминланиши, қўлқоплар, ҳимоя каскаларига эга бўлиши, юқори қаватда ишлайдиганлар учун хавфсизлик қайишлари берилиши лозим. Ёмғирли кунларда ишни тўхтатиш, ишчиларни мавсумий кийим билан таъминлаш, алоҳида психолог хизмат ҳам замонавий қурилиш маданиятида катта аҳамиятга эга.

**Ижтимоий ҳимоя.** Ҳар бир иш берувчи қурилиш компанияси учун ижтимоий ҳимоя жуда муҳим ҳисобланади. Ходимлар ойлигининг вақтида берилиши, текин тиббий хизмат мавжудлиги, ҳар бир қурилиш майдонида дорилар жамланмасининг бўлиши шулар жумласидандир. Ишчилар учун таътил кунларини тўғри белгилаш, иш соатини мувофиқлаштириш, ишчилар бўш вақтида ҳордиқ олиши учун спорт майдончалари ташкил этилиши катта компаниялар учун алоҳида масъулиятли вазифадир. Уларнинг ижтимоий ҳимояни ривожлантириши янги компаниялар учун ўрнак бўлиб хизмат қилади.





**Инклюзивлик.** Бугунги даврда қурилиш соҳасида асосий муаммолардан бири инклюзив меҳнатни ташкил қилишдир. Ишчиларнинг жинси, ёши, эътиқоди, миллатидан қатъи назар, бир ҳуқуқда, бир хил нарх асосида маош олиши, бир хил муносабатда бўлиниши долзарб аҳамиятга эга. Яна бир эътиборга молик жиҳат, кўплаб давлатларда аёлларга эркаклардан кўра камроқ маош тўланишидир. Бу эса компанияда инклюзив жамоа тузишга халақит беради. Инклюзив жамоа тузиш, инсонларнинг шахсий танловларини ҳурмат қилиш компаниянинг қурилиш маданиятини шакллантиришдаги энг катта қадамларидан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қурилиш маданияти маълум бир халқ ва жамоанинг даражасини, интилишларини, инсоният учун хизмат қилиш кўникмасини текширувчи воситадир. Юртимизда ҳам сўнгги йилларда қурилиш соҳаси ривожланди аммо қурилиш маданиятини шакллантиришда бир қатор муаммолар ҳали ҳам сақланиб турибди. Кўпинча ишчилар ҳуқуқи бузилиши, ҳақ тўланмайдиган норасмий ойлар мавжудлиги соҳа ривожини орқага тортади. Бир нарсани унутмаслик керакки, қурилиш маданиятига амал қилиш жамият учун ҳам, компания учун ҳам, ходимлар учун ҳам бирдек фойдали. Шу сабабли, ҳар бир компания ўз қарашига, қурилиш маданиятига, салоҳиятли кишилардан иборат жамоасига эга бўлиши айни муддаодир. Бунинг учун 5 йил ёки 10 йил кетар, аммо маданияти кучли компания қурилиш бозорида ўз йўлини топади.

Ўйлаймизки, яқин йилларда республикамизда салоҳиятли қурилиш фирма ва компаниялар сони сезиларли даражада ошади. Маданияти кучли йирик қурилиш компаниялари эса қолганларга намуна бўлишда давом этади.

# БУНЁДКОРЛИК МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

**Бахтиёржон МИРЗАЕВ,**
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти катта ўқитувчиси.

**Янги Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини қурилишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юртимизнинг қайси ҳудудида бўлманг, кўп қаватли турар жой мажмуалари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг қад ростлаётганига гувоҳ бўласиз. Бу албатта, қувонарли. Шу ўринда қурилишни ташкил этиш ва олиб боришда унинг ўзига хос нозик жиҳатларига – қурилиш маданиятига риоя қилиш муҳим ҳисобланади.**




Хўш, аслида қурилиш маданияти нима дегани? Бу борада қай даражада маълумотга эгамиз?

Қурилиш маданияти – бино ва иншоотларни қуришда ва улардан фойдаланишда махсус билим, кўникма ва қадриятларга эга бўлишни талаб қилади. Чунки ҳозирги замонда илм-фан, техника ва технологиялар ривожланиши, янги инновацион ечимлар қурилишни янада мураккаб ва хилма-хил бўлишига олиб келмоқда. Бу соҳани янада ривожланишига катта туртки бўлади. Қолаверса, темир-бетон, пўлат, шиша ва пластик каби материаллар биноларни янада баландроқ, кўркамроқ ва қулайроқ яратилишига хизмат қилмоқда.

Қурилиш маданиятига риоя қилиш шу соҳа мутахассислари билан бир қаторда олий таълим тизимида қурилиш йўналишида таълим олаётган талабаларга ҳам бирдек зарур. Бўлғуси бунёдкорлар таълим даргоҳига келган пайтиданоқ айнан шу йўналишдаги билимларни ўзлаштириши лозим. Таълим жараёнида бу Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси фани доирасида қурилиш маданиятига риоя қилиш, режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш мавзусидаги маърузаларда ўз аксини топади.

Шунингдек, қурилиш маданияти – бу бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга комплекс ёндашув ҳисобланади. У нафақат архитектура ва муҳандислик жиҳатларни, балки ижтимоий-иқтисодий ва экологик омилларни ҳам ўз ичига олади. Қурилиш соҳасининг тараққий этиши экологик тоза ва энергиясамарадор материаллардан фойдаланиш каби янги тушунча ва ёндашувларни ҳам пайдо қилмоқда. Соҳага кириб келаётган янги инновацион технологиялар имкон қадар табиатга ва атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтиришга қаратилаётгани ҳам эътиборга сазовордир.

Қурилишда биринчи навбатда, жамият эҳтиёжлари ва манфаатлари ҳисобга олиниши керак. Яъни, биноларга кириб-чиқиш аҳолининг барча гуруҳлари, шу жумладан, ногиронлар учун очиқ ва қулай бўлиши керак. Қурилиш маданияти одамлар ҳаёти ва атроф-муҳитнинг турли жабҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, бунда қурилишда экологик тоза материаллардан ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, қайта ишлаш ва чиқиндиларни бошқариш тамойиллари ҳам ҳисобга олинади. Биноларни қуриш ва таъмирлаш кўпинча зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалишига ва ифлосланишига олиб келади. Масалан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заҳарли моддаларни, биноларни бузиш эса чанг-тўзон ва хавфли чиқиндиларни ҳосил қилиши мумкин.

Шунингдек, қурилиш вақтида транспорт воситалари ва механизмлардан фойдаланиш чиқинди газларни чиқаришга олиб келади. Қурилиш жараёнидаги шовқин эса яқин-атрофдаги аҳолига ноқулайликлар туғдиради. Умуман олганда, қурилиш маданиятига амал қилган ҳолда табиатга ва атроф-муҳитга салбий таъсирларни минималлаштириш мумкин. Ифлослантирувчи моддаларга эга чиқиндилар, қурилиш ва бузиш оқибатида пайдо бўлган чиқиндилар, энергия ва сув истеъмоли атроф-муҳитга ва иқлимга салбий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, Ер – бино ва иншоотлар қурилишида энг асосий табиий ресурс ҳисобланади. Ерлардан самарасиз ва ўринсиз фойдаланиш табиий экотизимларнинг бузилишига ва ландшафтнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Шунинг учун биноларни қуришда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, табиий ресурслар ва биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратишни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.



Бино ва иншоотлар қурилишида бундай муаммоларни ҳал қилиш учун экологик тоза материаллардан фойдаланиш, энергиятежамкор технологияларни қўллаш, чиқиндиларни утилизация қилиш тизимини takomillashtiриш ва ресурслар сарфини камайтиришга эътибор қаратиш керак. Шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларига асосланган янги материалларни ишлаб чиқиш нефть ва бошқа шу каби қайта тикланмайдиган қазилма манбаларга қарамликни камайтиришга ёрдам беради.



Умуман олганда, қурилиш маданиятини ривожлантириш истиқболлари янги технологиялардан фойдаланиш, барқарор қурилиш, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш ва қурилишда инновацион ечимларни қўллаш билан боғлиқ. Ушбу йўналишлар келажак учун янада самарали, барқарор ва қулай бинолар яратиш тенденцияларини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш маданиятига амал қилиш қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатини ошириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш, меҳнат ва табиий ресурслар самарадорлигини таъминлаш, яшаш ва ишлаш учун қулай шароитлар яратиш, қурилиш майдонларининг хавфсизлигини ошириш каби афзалликларни беради.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

# Чустда “Ёшлар боғи” ташкил этилди

**Отабек ҚОБИЛОВ,** Чуст тумани Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси.

**Бугунги кунда яшил оламни сақлаш ва кўпайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини пухта тайёргарлик билан бошлаш ташаббуси илгари сурилди.**

Хусусан, жорий йилнинг 11 октябрь куни Президентимиз раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини самарали ташкил этиш юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг амалга оширилиши кўриб чиқилиб, юртимизда 25 октябрдан 1 декабргача, “кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинди ҳамда республикамиз бўйлаб мавсум давомида 85 миллион туп кўчат экилиши режалаштирилди.




Айни пайтда Чуст туманида ушбу топшириққа асосан ишлар бошлаб юборилган. Йўл ёқалари, ташкилот ва корхоналарда ободонлаштириш ишлари авжида. Хусусан, теварак-атроф тозаланиб, кўчат экиш мавсуми жадаллик билан олиб боряпти. Туман бўйича кейинги уч йил мобайнида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2 млн 507 минг дона кўчат экилди. Жумладан, Чуст гулзори маҳалласи ҳудудида 22,7 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи” ташкил этилиб, 22 минг донадан зиёд манзарали кўчатлар экилди. Шунингдек, 1,5 гектар ер майдонида “яшил боғ” ва 0,7 гектар ер майдонда “Яшил жамоат парклари” ташкил этилди. Сўнгги 5 йилда туманда 81 тага яқин кўп қаватли уйлар қурилиб, уларнинг атрофида 22 гектар майдонда яшил ҳудудлар барпо этилди. Тадбирда яхши ниятлар билан жорий 2023 йил куз мавсумида 530 минг дона, 7 турдаги жами 2 000 тупдан ортиқ кўчат экишга киришилди.

Бундан ташқари, туманда “Ёшлар боғи” ҳам ташкил этилди ва унда туман ҳокими Бекзод Ҳамдамов ҳамда ёшлар етакчилари кўчат экиб, фаол иштирок этишди. Бу лойиҳа халқимизни, жумладан, ёшларимизни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил майдонларни кўпайтириш, уларни сақлаш, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда она заминга бўлган эътиборини оширади. Президентимиз томонидан олға сурилган ушбу ташаббус ва амалга оширилаётган ишларнинг барчаси яқин 10-20 йиллар ичида ўз самарасини кўрсатишига, ватанимизда янгидан янги боғлар пайдо бўлишига ҳамда юртимиз чиройига чирой қўшилишига сабаб бўлади.

– Табиатда яшил ҳудудлар кенгайса, яшил қалқонлар шакллантирилса, бундан фақат фойда кўрамиз, роҳатланамиз ва башарият келажаги мустаҳкамланади, – деди Ёшлар ишлари агентлиги Чуст тумани бўлими мутахассиси Жаҳонгир Хайруллаев. – Юртимизда кенг қулоч ёйган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси нафақат бугунимизга, балки яқин ва узоқ келажагимизга дахлдор бўлган ҳаётий ҳаракатдир. Ёшлар етакчилари томонидан бунёд этилган “Ёшлар боғи” ҳам кун келиб ёшларни севимли манзилгоҳига айланиши, шубҳасиз.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

# Булоқбоши туманида завод қурилмоқда

**Зиё СИРОЖ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Булоқбоши туманидаги “Қумариқ” МФЙ ҳудудида Хитойнинг “Western international new building materials pte. LTD” томонидан цемент ишлаб чиқариш заводи қурилмоқда.**



– 48 гектар майдонда барпо этилаётган ушбу лойиҳа ишга туширилгач, 1000 та янги иш ўрни яратилади, – деди вилоят Инвестициялар, савдо ва саноат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дониёрбек Раҳимов. – Бу бир йилда ўртача 2,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳар куни 6 минг тонна цемент ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган ушбу заводнинг 8,5 млн долларлик маҳсулоти 3 та қўшни давлатга экспорт қилиниши режалаштирилган.

# Янги лойиҳа иссиқлик манбаи билан таъминлайди

**Андижон шаҳрининг кичик даҳаларидаги хонадонлар ва ижтимоий муассасаларни иссиқлик манбаи билан таъминлаш масаласи бўйича янги лойиҳа амалга оширилмоқда.**




“Иссиқлик манбаи” ДУК ҳудудида қурилиш ва таъмирлаш ишлари қизғин тус олган. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 36 млн АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу режа орқали Андижон шаҳридаги 271 та кўп қаватли уй, улардаги қарийб 11 минг 700 та хонадон иссиқлик билан таъминланади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

# Маҳалладаги илк мактабгача таълим ташкилоти

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Дўстлик маҳалласи Фориш туманининг энг олис ва чекка ҳудудида жойлашган. Маҳалланинг Можрум қишлоғи қўшни Навоий вилоятининг Нурота тумани билан чегарадош. Ҳозиргача бу қишлоқда бирорта ҳам мактабгача таълим ташкилоти мавжуд эмас эди.**

Яқинда ушбу қишлоқда дастлабки давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Муассасанинг фойдаланишга топшириш маросимида маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, мактабгача таълим ташкилотида ўғил-қизларнинг баркамол инсонлар бўлиб улғайиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Мазкур давлат мактабгача таълим ташкилоти 100 ўринли бўлиб, уни бунёд этиш учун 3 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, янги боғча қурилиши туфайли маҳалладаги 24 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

# Йўл ўтказгич реконструкция қилинмоқда

**Жиззах шаҳридаги 4П-38 Жиззах-Учтепа автомобиль йўлининг 33-километрида жойлашган йўл ўтказгични реконструкция қилиш ишлари давом этмоқда. Бунда пудратчи 67-кўприк қурилиш отрядининг 60 дан зиёд техника ва 180 га яқин ишчи-ходим меҳнат қиляпти.**

Кўприк таъмирида бугунга қадар 135 минг метр куб тупроқ ишлари, 98 тонна арматура тўқиш ишлари, 2325 метр куб бетон қуйиш ишлари бажарилган. Барча бажарилган ишлар учун 1 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Кўприкнинг ўтказувчанлик қуввати икки каррага, эни 2 қатордан 4 қаторга кенгайтирилади.

# Ўрта Осиёдаги энг йирик “Киберспорт арена”си қурилади

**Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 ноябрдаги “Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида ҳудудларда киберспорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Жиззах шаҳрида ташкил этилаётган янги марказ айнан вилоятда киберспортни ривожлантириш, ҳаваскорларни профессионал даражада тарбиялаш, халқаро мусобақаларга мезбонлик қилиш имкониятларини беради.**

Яқинда Россия федерациясидан келган бир гуруҳ мутахассислар аренада яратилган имкониятлар билан танишиб, бу ерда тўғридан-тўғри трансляцияларни ташкил этиш борасидаги ишларни муҳокама қилдилар. Режага кўра, мазкур бинода 1 минг 200 томошабинни сиғдирувчи киберспорт майдони ташкил этилмоқда. Шунингдек, IT академияси ҳам фаолият олиб боради. Мажмуада мусобақаларга ташриф буюрганлар учун меҳмонхона, спортчиларнинг ювиниш ва кийиниш хоналари ҳам мавжуд.

Умуман, вилоят марказида бунёд этилаётган ушбу марказ келгусида киберспорт бўйича жаҳон, Осиё ва турли халқаро мусобақаларга мезбонлик қилиш имкониятига эга бўлиши кўзда тутилмоқда.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# Суюлтирилган газ вақтида етказиб беріляпти

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қиш мавсуми яқинлашган сари қишлоқларда яшовчи аҳолининг муаммолари кўпая бошлайди. Кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган электр энергияси, газ ва кўмирга бўлган талаблар янада ортади. Боғот туманининг энг чекка ҳудудларидан бири Қипчоқ қишлоғи марказдан қарийб 29 км узоқликда жойлашган. Ҳозирда табиий газ етиб бормаган ҳудудларни суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.**



Туман бўйича 33 333 нафар газ истеъмолчиси мавжуд бўлиб, шундан 15 688 нафари табиий, 17 645 нафари эса суюлтирилган газдан фойдаланиб келади. Жорий йил давомида аҳолига 2201700 килограмм суюлтирилган газ етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, октябрь ойининг шу кунига қадар бу кўрсаткич 2065800 килограмм, яъни 94% ни ташкил қилмоқда. Туман ҳудудидаги 23 та МФЙга суюлтирилган газ етказиб бериш мақсадида 4 та махсус газ ташувчи автотранспорт воситаси ажратилган.

Яна бир жиҳат. Шу пайтгача суюлтирилган газда муайян чекловлар мавжуд бўлиб, маълум бир ўлчам асосида етказиб берилар эди. Ҳозирги тартибга кўра, эндиликда бу аҳоли манфаатидан келиб чиқиб ўзгартирилди. Бундан фуқаролар ҳам мамнун бўлмоқда.

Шунингдек, соҳа ходимлари истеъмолчиларга суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланиш, ис газидан сақланиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш каби қоидаларни тушунтиришмоқда.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Тиббий чиқиндиларни қайта ишловчи шохобча

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Боёвут тумани тиббиёт бирлашмасида ЮНИСЕФнинг 1 миллиард 748 миллион сўмлик грант маблағи ҳисобига барпо этилиб, Италия технологияси асосида жиҳозланган замонавий утилизация шохобчаси фойдаланишга топширилди.**

Мазкур технология санитар-экологик талабга жавоб бермайдиган шприц, игна, шиша, реагент, плёнка, резина қўлқоп каби тиббий чиқиндиларни майдалаб, дезинфекция воситалари ёрдамида катта босим остида зарарсизлантириш орқали атроф-муҳитга мутлақо зарар етказмайдиган ҳолда қайта ишлаб, ярим тайёр маҳсулотга айлантириб беради.



Бундан ташқари, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли олис ҳududдаги 10 та оилавий поликлиникада тиббий биологик чиқиндиларни тўплаш учун захира омборлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Маълумот ўрнида, бу турдаги утилизация шохобчаси республикамизнинг 3 та ҳудудида – Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ташкил этилган.

“Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ электрон онлайн аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ электрон онлайн аукцион савдоларига Ховос сигнализация ва алоқа дистанциясининг 2023 йил 31 октябрдаги 146-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, “Дўстлик” ҳарбий хўжалиги ҳудудида жойлашган, **умумий ер майдони** – 3200,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 228,69 квадрат метр бўлган Литер-0005даги “Алоқа уйи”. **Бошланғич баҳоси** – 179 960 993 (бир юз етмиш тўққиз миллион тўққиз юз олтмиш минг тўққиз юз тўқсон уч) сўм.

**Савдо 2023 йил 19 декабрь куни соат 9.00 да**.

Аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 18 декабрь соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2023 йил 19 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар 15 кун оралиғида бўлиб ўтади.

Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан 1 иш кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Кўчмас мулк билан тегишли Ховос сигнализация ва алоқа дистанцияси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкун. **Тел.:** 99-858-31-55.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва сотувчи томонидан белгиланган шартлар асосида тўловни амалга ошириши лозим.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 5053 3172 3021 “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

**Манзил:** Гулистон шаҳри, “Бизнес маркази” биноси, 3-қават.

**Тел.:** 67-226-28-93, 99-474 25 75.

**Электрон платформа:** https://online-mulk.uz

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (748) 2023 йил 17 ноябрь

◀ ОХИРИ. БОШИ ГАЗЕТАНИНГ 2023 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДАГИ 91-92 (744-745), 3 НОЯБРДАГИ 93 (746)-СОНЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 16 майдаги 107-сон буйруғига
ИЛОВА

# ШНҚ 1.02.10-23 "ҚУРИЛИШ УЧУН МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ. ҚОИДАЛАР ТЎПЛАМИ"

**11.4-жадвал**

| **Ҳаво линиялари ва подстанцияларга инвестицияларни ҳамда қурилиш лойиҳаларини асослашда ҳисобга олинадиган гидрологик кўрсаткичлар ва маълумотлар** | |
|---|---|
| **Ҳаво линияси трассаси ва подстанция майдончаси жойини танлашда** | **Танлаб олинган ва келишилган ҳаво линияси трассасида (подстанция майдончасида)** |
| **III ва II мураккаблик гуруҳига мансуб сув объектларидан ўтиш жойлари** | |
| Ўтиш жойларининг сони | Сув энг юқори кўтарилишининг R фоизли такрорланишдаги ҳисобий сатҳи, сув босиш зонасининг эни, чуқурлиги (ўрта ва энг катта), ҳисобий сатҳларда оқимнинг тезлиги ўртача (ўтиш жойи профилининг участкалари бўйича). |
| Ўзаннинг ёки ўзан ва қайир деформациясининг башорат қилинадиган зоналари; ўтиш жойидаги оралиқнинг тавсия қилинадиган узунлиги; | Сув энг юқори кўтарилишининг энг баланд сатҳи, ёки маълум бўлганлар ичида энг юқориси, у содир бўлган йил ва аналог бўйича тахминий таъминланганлиги; баҳорги тошқинларнинг (тошқин даврининг) бошланиш ва тугаш саналари, кузатилган энг баланд сатҳ; баланд сатҳлар туришининг давомийлиги; сув кўтарилиши ва пасайишининг жадаллиги; ёз чилласининг ўртаси ва охиридаги сув сатҳи. |
| Қирғоқнинг баландлиги ва емирилишга бардошлилиги; қайирнинг кенглиги, унинг сув босиш чуқурлиги, емирилишга бардошлилиги; | Берилган таъминланганликдаги сувнинг максимал сарфлари (баланд сувлар сатҳини (BSS) R фоизли такрорланишда гидравлик-морфометрик усулда ҳисоблаш зарурат туғилганда). |
| Қайирда муз оқишининг мавжудлиги, унинг характери, муз бўлаклари ва муз оқиш зонасининг ўлчамлари; кема ҳаракатининг мавжудлиги, кемаларнинг сув сатҳидан баландлиги (келажакда ўсишини ҳисобга олган ҳолда) | Муз шароитлари – Муз режими асосий фазаларининг кириш муддатлари; баҳорги муз оқишининг ўртача ва чекка бошланиш ҳамда тугаш саналари, баҳорги муз оқишида кузатилган сувнинг энг баланд сатҳи, берилган таъминланганликда баланд сув туришининг ҳисобий сатҳи; қайирдаги муз оқиш зоналарининг келиб чиқиши, ўзан ва эски ўзанда ҳосил бўлган муз бўлакларининг энг катта ўлчамлари, муз бўлакларининг ҳаракатланиш йўналишининг схемаси, уларнинг қайирдаги таянч устунлари ўрнатилган жойларда трассага яқинлашиш бурчаги; музнинг кузатилган ва муз оқишидан олдинги энг катта қалинлиги; муз уюмлари ҳосил бўлган жойлар, уларнинг баландлиги, эни, узунлиги; муз тиқинлари ҳосил бўладиган жойларнинг мавжудлиги, уларнинг ўтиш жойларида дарё режимига таъсири; муз устидан ўтиш эҳтимоли даврининг бошланиши. |
| | Ўзан жараёнининг тури, унинг йўналганлиги, фаоллиги, ўзан ва ирмоқ қирғоқларининг деформацияланиш тезлиги; қирғоқларда сув оқизиб келиб ётқизган участкаларининг жойлашган жойи; иншоотлар хизмат қиладиган муддатлар башорат қилинадиган деформациялар зонасининг кенглиги, ўзан ва ирмоқларнинг энг катта емирилиш чуқурлиги ва башорат қилинадиган ҳолати (профили). |
| | Қайирнинг, ирмоқларнинг, ўзаннинг, унинг қирғоқлари гидроморфологик кўрсаткичларининг комплекси: ўсимликлари, рельефи, грунтлари, юқори (баланд) сув босиш ва уларнинг пасайиш шароитлари, оқим йўналишлари, тезликлари, қияликлари, баланд сувлар қолдирган излар ва баҳорий муз оқишларининг излари, ётқизиқлар, йиғилган ва емирилган участкалар, ўзан ётқизиқлари, уларнинг қирғоқ деформациясига таъсири (ўзан жараёни ва қайир деформациясини ҳисобга олган ҳолда), қайир массивининг тури, дарёда кечув жойларининг мавжудлиги, улар чекланган даврлар ва б. Водийнинг гидроморфологик тафсилоти, унинг кенглиги, ёнбағирларнинг баландлиги, профили; деформация жараёнлари. |
| **Сув объектларининг I гуруҳ мураккабликдаги ўтиш жойлари** | |
| Ўтиш жойларининг сони | Водийнинг гидроморфологик тафсилоти (ёнбағирларнинг кенглиги, баландлиги, профили, жарланганлиги, серилдизлиги, мустаҳкамлиги, ўзан ва қайирнинг кенглиги ва ўнқир-чўнқирлиги, ўзан қирғоқларининг баландлиги, профили, мустаҳкамлиги, деформация жараёнлари). |
| **Сув объектларининг I , II ва III гуруҳ мураккабликдаги ўтиш жойлари** | |
| | Кемалар ҳаракатининг мавжудлиги, сув объектларининг кема ҳаракатланиш шароитлари бўйича турлари, синфи, кемалар сув усти габаритларининг сув сатҳидан баландлиги (кемалар ҳаракатларининг келажакда ривожланишини ҳисобга олган ҳолда). Амалдаги ва лойиҳаланаётган гидротехник иншоотлар ва уларнинг ўтиш жойлари участкаларида гидрологик режимга таъсири тўғрисида маълумотлар. |

Эслатма: I гуруҳ сув объектларидан ўтиш жойлари муҳандис-гидрологик изланишларининг таркиби ва ҳажми қуйидаги шароитларда II гуруҳ таркиби ва ҳажмига мос келади: ҳаво линияси таянч устунининг ундан фойдаланиш даврида сув оқими таъсир қилиш зонасида жойлашиш эҳтимоли бўлганда; ҳаво линияси трассасини (маҳаллий ҳокимият идоралари билан келишган ҳолда) ўзан бўйлаб, унинг таъсир зонасида ўрнатилганда.

**11.5 жадвал**

| **Ҳаво линиялари ва подстанцияларга инвестициялар киритишни ва қурилиш лойиҳасини асослашни ишлаб чиқишда ҳисобга олинадиган метеорологик кўрсаткичлар** | |
|---|---|
| **Ҳаво линиялари трассаси ва подстанция жойлашадиган жойни танлашда** | **Танлаб олинган ва келишилган ҳаво линиялари трассаси ва подстанция майдончасида** |
| Атмосферанинг табиий манбалар (шўрхоклар, шўр кўллар ва б.) ва саноат корхоналари чиқиндилари билан ифлосланиш шароитларини характерловчи кўрсаткичлар | Ҳаво ҳарорати: ўртача ойлик ва ўртача йиллик; абсолют минимум ва максимум, абсолют минимумлардан ўртачаси; энг совуқ беш кунлик ва яхвонликнинг ҳисобийлари; илиқ ва совуқ даврларнинг давомийлиги; |
| | Шамол: саккиз румб бўйича йўналишларнинг такрорийлиги ва штилларнинг ойлик ва йиллик такрорийлиги; ўртача ойлик ва ўртача йиллик тезлиги, берилган такрорийликдаги кузатилган максимал ва ҳисобий максимал тезликлар; кучли шамоллар кузатилган ўртача ва энг кўп кунлар; |
| | Иқлим параметрлари – шамол бўлган пайтда ва шамолсиз максимал яхвонлик режимларида ҳамда яхвонлик пайтидаги максимал шамол босимида: яхвонлик деворининг эквивалент қалинлиги, яхвонлик пайтида шамол босими; |
| Асосий иқлим параметрлари (регионал хариталар ва маълумот – услубий материаллар бўйича) | Ойлик ва йиллик момоқалдироқли кунлар сони, момоқалдироқларнинг ўртача йиллик давомийлиги – соатларда, тоғли туманларда булутлар орасидаги чақмоқлар ерга берган разрядларининг сони; |
| | Ойлик ва йиллик қор бўронли ва қум бўронли кунлар сони; |
| | Ойлик ва йиллик туманли ва шудрингли кунларнинг ўртача ва энг кўп сони; |
| | Ойлик ва йиллик атмосфера ёғинларининг илиқ ва совуқ даврлар бўйича ва йил бўйи ўртача йиғиндиси, қаттиқ, аралаш ва суюқ ёғинларнинг ойлик ва йиллик миқдори (умумий миқдоридан фоиз ҳисобида); |
| | Қор қатламининг ўн кунликдаги ўртача қалинлиги, энг қалин қатламга нисбатан (доимий рейка бўйича) йиллик ўртача, максимал ва минимал қалинлиги, қор қатламининг зичлиги, унинг пайдо бўлиш ва йўқ бўлиш санаси, ҳисобий қор босими. Ойлик ўрта музлаш чуқурлиги, энг катта ва энг кичик чуқурликларнинг ўртачаси. |

120. Магистрал қувурўтказгичлар трассасини лойиҳалашни асослаш учун ўтказиладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлари асосан қувурўтказгичлар трассаси кесиб ўтадиган сув объектларининг гидрологик шароитларини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

121. Магистрал қувурўтказгичлар трассаси қурилишига инвестицияларни асослаш босқичида трасса йўналишини танлашда, ҳududнинг гидрометеорологик ва картографик ўрганилганлик материаллари асосида дастлаб қуйидагилар белгилаб олинади:

туманнинг иқлим шароитлари;

кичик ўтиш жойларининг жойлашган жойи ва сони;

катта ва ўрта ўтиш жойларининг гидрологик шароитлари.

Трасса ўтиш жойларини у ёки бу мураккаблик даражали гуруҳига ўтказишни сув объектларининг кенглиги ва чуқурлигага боғлиқ равишда 11.6-жадвалга кўра амалга ошириш керак.

**11.6-жадвал**

| **Ўтиш жойларининг мураккаблик даража гуруҳи** | **Магистрал қувурўтказгич трассаси кесиб ўтадиган сув объекти ўтиш жойининг шароитлари** |
|---|---|
| I | Ёз чилласида трасса билан кесишувчи створ учун сув сатҳининг кенглиги 30 метргача (ўртача чуқурлиги 1,5 m). |
| II | Худди юқоридагидай, 1,5 m ўртача чуқурликда 31 дан 75 m гача |
| III | Худди юқоридагидай, 75 m дан кам, аммо 90 фоиз таъминланганликда сув сатҳи туришининг 20 кунлигида сув босиш зонаси 500 m дан ортиқни ташкил қилади. |

122. Ўрганилганлик етарли бўлмаган ҳолларда муҳандислик изланишлари таркибида катта ва ўрта ўтиш жойларида рекогносцировка текширишлари кўзда тутилиши керак. Кичик ўтиш жойларини текшириш трассанинг жарликлар-сойликлар ривожланган участкаларида амалга ошириш мумкин.

123. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлар трассанинг танлаб олинган йўналишида амалга оширилади. Бу изланишларнинг мақсади гидрологик шароитларга аниқлик киритиш ва муфассал ўрганиш, шунингдек, трассанинг қувурўтказгич билан кесишиш шароитларига кўра катта ва ўрта сув объектларига ўтказилган сув объектлари ҳисобий гидрологик кўрсаткичларини олишдан иборат.

124. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари таркибини қувурўтказгични ётқизиш усулини ва унинг сув объектидан ўтиш жойининг мураккаблик даражаси гуруҳини ҳисобга олган ҳолда белгилаш керак.

125. Қувурўтказгични ер устидан ўтказиш усулида, кесиб ўтиладиган сув объектларини текширишда асосий эътиборни максимал сатҳини, деформацион жараёнларнинг жадаллиги ва йўналганлигига қаратиш керак, жарликларни кесиб ўтганда эса сувнинг эрозион фаолияти ва унинг жадаллигига қаратиш керак.

126. Қувурўтказгични сув ўтказувчи тешиги бўлган тупроқли кашакда (қувурнинг икки қисмини туташтирувчи восита – улагич) ўтказилганда, текширишлар жараёнида дарё бассейнида сув хўжалик фаолияти шароитларини ҳамда ўзан ва қайирнинг гидравлик кўрсаткичларини аниқлаш керак.

127. Қувурўтказгични ер остидан ўтказиш усули даража сувнинг эрозион фаолияти жадаллигини, унинг ўзини намоён қилиш шаклини ва йўналишини ҳамда ўзан таги ва қирғоқларининг емирилишига (ювилишига) мустаҳкамлигини мукаммал баҳолаш заруратини аниқлаб беради.

128. Кичик сув ўтказгичлар гидрологик шароитларини баҳолаш морфометрик ишлар комплекси билан биргаликда ўтказилган рекогносцировка текширишлари натижалари билан тўлдирилган гидрологик ўрганилганлик материаллари бўйича амалга оширилади.

129. Трассани жарлик ва сойликлар ривожланган туманларда ўтказилганда, эталон участкаларни ажратиб кўрсатиш (оқим ва сув эрозия фаолияти бўйича кўргазмали) ва улар учун сув эрозия фаолиятини ўрганиш ишлари комплексида бажариладиган кичик дарёлар оқимини кузатишни кўзда тутиш керак.

130. Катта ва ўрта ўтиш жойлари текширилганда, магистрал қувурўтказгич трассаси қурилишига инвестиция киритишни асослаш босқичида олинган маълумотларга қўшимча қуйидагилар аниқланиши керак:

дарёнинг балиқ хўжалиги жиҳатидан аҳамияти ҳамда қишлаш чуқурчалари ва балиқ урчийдиган жойлар;

қувурўтказгич ўтиш жойлари створидан қуйида ер усти ва ер ости инфильтрацион сув тортиб олгичлар, пляжлар, дам олиш ва туризм жойлари мавжудлиги;

ўтиш жойлари яқинида кемалар тўхташ жойларининг мавжудлиги ва улар жойлашган жойлар;

ўзан тубини чуқурлаштириш ишлари олиб бориладиган жойларнинг мавжудлиги;

амалдаги қувурўтказгич ёки кабел линиялари ўтиш жойларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тажрибаси.

131. Гидрологик жиҳатдан ўрганилмаган ва етарли даражада ўрганилмаган трассанинг ўрта ва катта ўтиш жойларининг гидрологик шароитларини баҳолаш учун муҳандислик изланишлари таркибида гидрологик режим кўрсаткичларини кузатиш ва ўтиш жойларининг участкаларини муфассал текширишни ташкил этишни кўзда тутиш керак.

132. Янгидан тузиладиган постларда гидрологик кузатишлар таркибига сувнинг ҳарорати, сатҳи ва сарфи, ўтиш жойлари участкасидаги музлаш режимини ўрганиш, сув таги чўкиндиларидан намуналар олиш, ўтиш жойлари участкасининг створи ва планида уларнинг тақсимланишини тавсифлаш учун оқим тезликларини муфассал ўлчаш, ўзан қирғоқлари ва тагининг деформациясини ўрганиш киритилади.

133. Катта ўтиш жойлари учун кузатишлар таркибига қўшимча лойқаланиш, сув олиб келиб ётқизаётган чўкиндилар оқими режимини, қум уюмларининг параметрларини ўрганиш киритилади.

134. Муҳандислик изланишлари натижасида қувурўтказгич ўтказиладиган туманнинг муҳандислик гидрометеорология изланишлари муфассал баҳоланиши ва уларнинг лойиҳасини асослаш учун зарур бўлган ҳисобий метеорологик ва гидрологик кўрсаткичлар 11.7-жадвалга мувофиқ олиниши керак.

**11.7-жадвал**

| **Табиий шароитлар тафсилоти** | **Магистрал қувурўтказгичлар қурилишини лойиҳалашни асослашни ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган муҳандислик гидрометеорология изланишларида аниқланадиган гидрометеорологик кўрсаткичлар** | |
|---|---|---|
| | **Трасса йўналишини танлашда** | **Трассанинг танлаб олинган йўналишида қўшимча** |
| **Магистрал қувурўтказгичлар трассалари учун** | | |
| Иқлим | Ҳаво ҳарорати ва намлигининг, атмосфера ёғинларининг, шамолнинг экстремал ва ўртача миқдорлари; қор қопламининг энг юқори баландлиги ва грунтнинг музлаш чуқурлиги; атмосфера ҳодисалари. | Грунтларнинг ўртача ва энг чуқур музлаш чуқурлиги ҳамда музлаш даврининг ўртача давомийлиги; тупроқ юзасининг ойлик ва йиллик ўртача ҳарорати ва уларнинг чуқурлик бўйича тақсимланиши; яхвонлик – совуқ-нам ҳаво ётқизиқларининг оғирлиги. |
| **Кичик ўтиш жойлари учун** | | |
| Дарёларнинг гидрологик режими | Трассанинг характерли участкалари бўйича тахминан баҳоланган ўтиш жойларининг сони. | Сувнинг ҳисобий энг баланд сатҳи *, сувнинг ҳисобий максимал сарфи **, ўзан тубининг емирилиши (ювилиши) мумкин бўлган энг катта чуқурлик; иншоотлар хизмат қилишининг охирида ювилиши мумкин бўлган чуқурликнинг башорати. |
| **Катта ва ўрта ўтиш жойлари учун** | | |
| Дарёларнинг гидрологик режими | | Сувнинг энг баланд ҳисобий сатҳи; баҳорги муз юришининг энг баланд ва энг паст сатҳи; оқимнинг сув юзаси ва сув тагидаги ўртача ҳамда максимал тезлиги; сув ҳароратининг 12° S даража ўртача ва чекка саналари ***, сувнинг муздан холи бўлган даврдаги лойқалиги ***, чўкиндилар оқиб келиши ва сув тубидаги уюмларнинг параметрлари ***. |
| Ўзан ва қайир деформацияси | | Ўзан туби емирилишининг энг катта чуқурлиги; ўзан туби емирилишининг башорат қилинган профили; берилган давр ҳолатига ўзан ва қайирнинг башорат қилинган деформацияси. |

** Қувурўтказгични ер устида ётқизиш усулида.*
*** Қувурўтказгични тупроқ кашак танасида ётқизиб.*
**** Қурилишни ташкил қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун.*

135. Дарё транспорти объектлари учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари ечилиши керак бўлган масалаларга боғлиқ равишда иншоотларни қуриш лойиҳаси ва инвестицияларни ҳамда дарё участкасининг кема ҳаракатлари шароитларини яхшилаш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирларни асослаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни олишни таъминлаши керак.

Муҳандислик изланишларини бажариш жараёнида сув сатҳларини ўлчаш постларининг тармоқларини ташкил қилиш, сув юзасининг қиялигини (сув сатҳларининг кунлик боғламаларини), ўзан ирмоқлари бўйлаб оқим тақсимланишини ва ёйиқларда (дарё ёйилиб оқадиган саёз жойларда) оқим тезлигини кузатишларни ташкил қилиш керак.

136. Табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик изланишлари таркибида дарёнинг гидрокимёвий режимини ва чўкиндиларнинг режимини ўрганишни кўзда тутиш керак.

137. Дарёнинг ўзан фаолияти, сув ва музлаш-термик режими мураккаб участкаларида жойлашган I ва II синф масъулиятли бино ва иншоотларни қуриш учун изланишларда махсус ишлар ва тадқиқотлар олиб боришга рухсат берилади.

Аниқланиши керак бўлган гидрологик кўрсаткичлар рўйхати 11.8-жадвалда келтирилган.

**11.8-жадвал**

| **Табиий шароитлар тафсилоти** | **Дарё транспорти объектларини лойиҳалаш учун муҳандислик гидрометеорология изланишларида аниқланиши керак бўлган гидрологик кўрсаткичлар** |
|---|---|
| Сувнинг сатҳлари | Гидрологик режим ва характерли сатҳлар фазалари кириб келадиган ўртача ва чекка саналар; характерли ҳисобий ва кунлик ҳар хил эҳтимолликда таъминланган сатҳларнинг туриш давомийлиги ва таъминланиш эҳтимоллиги. |
| **Табиий шароитлар тафсилоти** | **Дарё транспорти объектларини лойиҳалаш учун муҳандислик гидрометеорология изланишларида аниқланиши керак бўлган гидрологик кўрсаткичлар** |
| Сув ва чўкиндиларнинг сарфи | Сувнинг ҳисобий максимал ва минимал сарфи; сув сарфининг сатҳ, лойқалик, чўкиндилар сарфи билан боғлиқлик графиклари; дарё сувининг унинг ирмоқлари бўйича тақсимланиш фоизларининг эгри чизиқлари. |
| Сув юзасининг нишаблиги | Сув сатҳи юзасининг бўйлама профили, нишабликларнинг ва сув пасайиши (тушиши) билан боғлиқлиги. |
| Оқим тезлиги | Оқимнинг энг катта ва ўртача тезлиги, шу жумладан, саёзликларда сатҳлар ўзгаргандаги оқимлар тезликлари. |
| Музлаш шароитлари | Очилишдан олдин баҳорги муз юриши даврида музнинг мустаҳкамлиги, муз бўлакларининг ўлчами, уларнинг ҳаракат тезлиги ва қирғоққа яқинлашиш бурчаги, муз уюмлари ҳосил бўладиган жойлар, уларнинг баландлиги, эни ва узунлиги, муз тиқинларининг мавжудлиги ва такрорийлиги, муз фазаларининг пайдо бўлиш муддатлари. |
| Тўлқинланиш | Ҳисобий сатҳларда турли миқдорларда таъминланган тўлқинланиш кўрсаткичлари ва уларнинг такрорланиб туриши, тўлқинланиш даври (оқимни ҳисобга олган ҳолда дарёларда). |
| Ўзан жараёнлари | Жараённинг тури, ривожланиш даражаси, деформациянинг тафсилоти, ювилишнинг (емирилишнинг) энг катта чуқурлиги, чўкинди босиш миқдори ва ўзан ҳодисаларининг башорат қилинган жойи. |
| Сувнинг кимёвий таркиби | Кимёвий таркиб нормаллаштирилган асосий ингридиентларининг таркиби. |

138. Денгиз транспорти объектларини лойиҳалаш учун бажариладиган муҳандислик гидрометеорология изланишларининг таркибини лойиҳаланаётган иншоот тури ва унинг қирғоққа нисбатан жойлашишини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш керак.

139. Орол денгизи қирғоқлари бўйида жойлаштирилиши мўлжалланган объектлар учун муҳандислик изланишлари таркибида денгиз қирғоғи динамикаси тўғрисида (денгиз қирғоғи ва тубининг емирилиши, чўкиндиларнинг қирғоқ бўйлаб бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, аккумулятив шакллар ҳосил бўлиши) ва муз шароитлари (ёпишган музлар майдонининг кенглиги, муз тиқинларининг ҳосил бўлиши) тўғрисида маълумотлар олиш кўзда тутилади.

140. Акватория доирасида жойлаштириладиган иншоотлар учун тўлқинланиш, муз дрейфи, оқим ва шамол томонидан кўрсатиладиган босим ва таъсирлар асосий ҳисобланади. Бундан ташқари, туб ётқизиқлари ва чўкиндиларининг таркиби ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиш характери ўрганилиши керак.

141. Муҳандислик изланишлари таркибидан мавжуд гидротехник иншоотларга гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларнинг таъсири тўғрисида маълумотлар йиғишни кўзда тутиш керак.

142. Дарёларда йирик гидроузелларни лойиҳалаш учун ўтказиладиган муҳандислик гидрометеорология изланишларини соҳавий норматив ҳужжатлар талабларига кўра бажариш керак. Муҳандислик изланишлари таркибида ГЕС қурилиши ва улардан фойдаланишнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари учун бирламчи маълумотлар олишни кўзда тутиш керак.

143. Кўллар ҳудудларида жойлаштириладиган нефть конлари гидротехник иншоотларини қуриш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари, одатда, бошқа муҳандислик изланишларига нисбатан илгарироқ олиб борилади ҳамда нефть ва газ учун истиқболли майдонларда бурғулаш ишларини ташкил қилиш учун тайёргарлик кўриш босқичида бошланади.

144. Фонд материалларини йиғиш ва таҳлил қилиш асосида муҳандислик изланишлари туманининг гидрометеорологик ва литодинамик шароитлари ўрганилганлиги аниқланади ҳамда мавжуд материалларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги, шунингдек, улардан гидротехник иншоотларни лойиҳалаш учун фойдаланиш эҳтимоллиги аниқланади.

145. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари кузатувларнинг етарли даражадаги вақт қаторини таъминлаши керак. Ўрганилмаган ҳудудлар учун лойиҳа ишлаб чиқилаётган вақтга қадар кузатувларнинг давомийлиги беш йилдан кам бўлмаслиги керак.

146. Қидирув-разведка бурғулаш ишларини таъминлаш учун шамол, тўлқинланиш ва оқимларнинг параметрларини ўлчаш ҳамда муз режимини кузатиш ишлари олиб борилади.

147. Кўллар ва сув омборлари кўрсаткичлари режими ҳамда асосий метеорологик кўрсаткичларини кузатиш учун бир туридаги автоном режимда ишловчи ёки бурғулаш платформаларида ўрнатилган ўлчаш воситалари ишлатилади.

148. Қурилиш майдончалари ва коммуникация трассаларида олиб бориладиган муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагилар учун зарур материалларни олишни таъминлаши керак:

иншоотлар комплекси ва коммуникациялар трассаларини жойлаштиришнинг оптимал вариантини танлаш учун;

қуриладиган иншоотларнинг конструкцияси бўйича асосий қурилиш ечимини қабул қилиш учун;

қурилиш ва ишларни олиб бориш лойиҳасини тузиш учун.

149. Кузатувлар таркиби ва ҳажми гидрометеорологик режимнинг у ёки бу элементларини ўрганилганлик даражасига ва танлаб олинган гидротехник иншоотлар тури ва муҳандислик коммуникациясининг конструктив тузилишига боғлиқ равишда аниқланади.

150. Гидрологик кузатувлар таркибига сув сатҳи, тўлқинланиш, оқимлар, сув ҳароратини ўлчашиб сувнинг кимёвий таркиби ва музлаш шароитларини ўрганиш киритилади.

151. Метеорологик кузатувлар таркибига қуйидаги кузатувларни киритиш зарур:

ҳаво ҳарорати ва намлиги;

шамол йўналиши ва тезлиги;

ёғингарчилик;

горизонтал йўналиш бўйича кўриш узоқлиги;

атмосфера босими;

атмосфера ҳодисалари, музлаш.

152. Гидрологик кузатувлар комплексида зарурат туғилганда қуйидагилар учун бирламчи маълумотлар олишни таъминловчи литодинамик ишлар олиб борилади:

муҳандислик изланишлари участкаларида литодинамик жараёнларни умумий баҳолаш учун;

пляжлар ва дарё туби чўкиндилари бўйламасига ва чуқурлик бўйича ювилиб кетадиган ва йиғиладиган зоналарни ажратиш;

муҳандислик-коммуникациялари ва гидротехник иншоотлар ёнида содир бўладиган ювилиш ва аккумуляция фаоллигининг башорат қилинган баҳоланиши;

кўл ва сув омборлари тубидаги очиқ тоғ ковламаларини чўкиндилар босиб тўлдиришини баҳолаш;

муҳандислик-коммуникацияларининг қирғоққа ёпишадиган жойининг муҳандис-геологик разведкаси даврида ўрганиладиган майдончалар ўлчами ва ўрганиш чуқурлигини асослаш;

қурилиш материаллари сифатида ишлатиладиган дарё тубидаги грунтларни ковлаб олишни чекловчи омилларни топиш.

153. Табиий шароитлари ўта мураккаб бўлган туманларда муҳандислик гидрометеорология изланишлари олиб борилганда, уларнинг таркибида махсус дастурлар бўйича бажариладиган экспериментал тадқиқотлар кўзда тутилиши керак.

154. Мазкур Қоидалар тўпламини ишлаб чиқувчилар рўйхати иловага мувофиқ белгиланади.

# Правительство Республики Узбекистан

## получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечения в виде Банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-AND-W-37 | Строительство сети питьевого водоснабжения на территории МСГ “Дустлик”, МСГ “Сойбуйи”, МСГ “Обод”, МСГ “Хайраобод” и МСГ “Шувокзор-Бойкечик” Пахтаабадского района | 2 856 034 637 | 180 | 57 120 693 |
| MOEI-RIDP-AND-W-38 | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ “Ахиллик”, МСГ “Олмазор”, МСГ “Гулзор”, МСГ “Обод”, МСГ “Бодрогобод”, МСГ “Хайраобод”, МСГ “Шувокзор-Бойкечик”, МСГ “Кургонча”, МСГ “Дустлик”, МСГ “Кайир”, МСГ “Саноат”, МСГ “Чорбог” и МСГ “Тошкургон” Пахтаабадского района | 21 688 357 884 | 200 | 433 767 158 |
| MOEI-RIDP-AND-W-39 | Капитальный ремонт школы №29 на территории МСГ “Тошкургон” Пахтаабадского района | 2 703 118 805 | 180 | 54 062 376 |
| MOEI-RIDP-AND-W-40 | Асфальтирование внутренней дороги V категории в МСГ “Гулистон” и МСГ “Узбекистон” Улугнарского района | 8 685 232 529 | 160 | 173 704 651 |
| MOEI-RIDP-AND-W-41 | Строительство сети питьевого водоснабжения в МСГ “Гулистон” Улугнарском районе | 647 004 869 | 110 | 12 940 097 |
| MOEI-RIDP-AND-W-42 | Реконструкция школы №4 на территории МСГ “Найман” Мархаматского района (строительство нового учебного корпуса на 300 у/м) | 3 729 245 587 | 150 | 74 584 912 |
| MOEI-RIDP-AND-W-43 | Асфальтирование внутренней дороги V категории на территории МСГ “Раиш”, МСГ “Ёрбоши”, МСГ “Истиклол” и МСГ “Куприкбоши” Булакбашинского района | 5 989 888 255 | 70 | 119 797 765 |

## ГУП Инжиниринговая компания “Служба единого заказчика” при Андижанском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области, и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет – **330 000** сум.

| | |
|---|---|
| **ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области**<br>Адрес: Андижанская обл., г. Андижан, пр. А. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).<br>**Тел./факс:** 74-223-57-05.<br>**E-mail:** andijon.tender@mail.ru | **Получатель:** ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 2000 4036 4994 4001<br>в Андижанском гор. филиале АКБ “InFinBank”<br>**ИНН:** 202453348 **МФО:** 01114 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 часов (по ташкентскому времени) 12 декабря 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Организация для подачи предложений:** ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области.

**Адрес:** Андижанская обл., г. Андижан, пр. А. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).
**Тел./факс:** 74-223-57-05.
**E-mail:** andijon.tender@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Топволдиев.

# Правительство Республики Узбекистан

## получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

| Номер пакета | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-26 | Строительство пешеходного моста в МСГ “Юксалиш” (“Озодлик”), реконструкция и текущий ремонт трубчатых переходов в МСГ “Дустлик” Баяутского района Сырдарьинской области | 225 171 121 сум без НДС | 30 календарных дней |

## ГУП “Служба единого заказчика” при Сырдарьинском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов договорная.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области**<br>**Адрес:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).<br>**Тел.:** 67-227-64-48. **Факс:** 67-227-64-42.<br>**E-mail:** tender-12@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 0000 3038 3676 6001<br>Сырдарьинский ф-л НБУ ВЭД<br>**ИНН:** 202 585 476 **МФО:** 00363 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться банковской гарантией согласно инструкциям, изложенным в тендерной документации.

| Номер контракта | Наименование объекта | Залоговое обеспечение |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-26 | Строительство пешеходного моста в МСГ “Юксалиш”, реконструкция и текущий ремонт трубчатых переходов в МСГ “Дустлик” Баяутского района Сырдарьинской области | 4 503 422 сум |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 4 декабря 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**
Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве по Сырдарьинской области.
**Адрес:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).
**Тел.:** 67-227-64-48. **Факс:** 67-227-64-42. **E-mail:** sirdaryotender20@gmail.com
**Ответственный представитель консалтингового центра:** Алишер Сангиров.

# ИНВЕСТОРЛАР ДИҚҚАТИГА! Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Туризм йўналишига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, хусусий сектор учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида **“ZOMIN MIRACLE MOUNTAINS” масъулияти чекланган жамияти** инвестиция компанияси маҳаллий ҳамда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда **Жиззах вилоятининг Зомин туманида жойлашган “Зомин” туристик-рекреацион зонасида замонавий ресторан ва ётоқхона ҳамда кейтиринг усулида хизмат кўрсатувчи ошхона барпо этиш**

**ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШ МУМКИН:**
Тошкент шаҳри, 100128, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10-“А” уй.

**Тел.: 71-244-51-05, 244-55-15, +998997242410.**
**Электрон почталар: psb_capital@mail.ru, alimovgafur483@gmail.com**

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “LOMBARD SVETLANA-KREDIT” МЧЖнинг 2023 йил 16 ноябрдаги 61-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 14 сентябрь ва 26 октябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғиич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 24 | Серьги, о/в 2,65 гр., 585 пр. | 1 291 942,00 |
| 2. | 301 | Серьги с бел. кам., о/в 1,96 гр., 585 пр. | 793 507,00 |
| 3. | 401 | Серьги с бел. и син. кам., о/в 8,32 гр., 585 пр.; кольцо с бел. и син. кам., о/в 4,53 гр., 585 пр. | 4 418 011,30 |
| 4. | 477 | Серьги с бел. кам., о/в 4,29 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 2,23 гр., 585 пр. | 2 959 945,00 |
| 5. | 549 | Кольцо (обруч.), о/в 4,73 гр., 585 пр. | 2 061 270,00 |
| 6. | 835 | Серьги с бел. кам., о/в 3,52 гр., 585 пр. | 1 732 807,00 |
| 7. | 893 | Цепь, о/в 4,85 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 4,43 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 1,79 гр., 585 пр. | 5 408 185,00 |
| 8. | 943 | Кольцо с зел. чер. кам., о/в 3,88 гр., 585 пр. | 1 875 228,00 |
| 9. | 944 | Цепь, о/в 4,62 гр., 585 пр.; кулон, о/в 1,13 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 3,06 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 1,90 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 1,26 гр., 585 пр.; кольцо с бел. и зел. кам., о/в 1,80 гр., 585 пр.; серьги, о/в 0,73 гр., 585 пр. | 7 498 826,00 |
| 10. | 988 | Кольцо с бел. кам., о/в 3,85 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 4,65 гр., 585 пр. | 4 202 257,00 |
| 11. | 1091 | Цепь, о/в 5,19 гр., 585 пр.; кулон с бел. кам., о/в 0,38 гр., 585 пр.; кольцо бел. кам., о/в 2,98 гр., 585 пр. | 3 717 057,16 |
| 12. | 1096 | Серьги, о/в 1,98 гр., 585 пр. | 1 096 507,00 |
| 13. | 1461 | Серьги с бел. кам., о/в 3,19 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 2,29 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 2,56 гр., 375 пр. | 3 159 913,00 |
| 14. | 1595 | Цепь, о/в 8,02 гр., 585 пр. | 4 147 728,00 |
| 15. | 1661 | Серьги, о/в 9,82 гр., 585 пр.; колье, о/в 19,81 гр., 585 пр.; цепь, о/в 4,62 гр., 585 пр. | 18 309 913,00 |
| 16. | 1705 | Цепь, о/в 4,15 гр., 585 пр. | 2 026 728,00 |
| 17. | 1758 | Браслет с бел. кам., о/в 12,33 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о/в 4,17 гр., 585 пр.; серьги с зел. кам., о/в 3,19 гр., 585 пр.; серьги, о/в 4,86 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 3,12 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 3,42 гр., 585 пр.; кольцо с зел. кам., о/в 3,68 гр., 585 пр.; кольцо с зел. кам., о/в 1,95 гр., 585 пр. | 18 479 511,00 |
| 18. | 1988 | Серьги, о/в 2,05 гр., 585 пр. | 1 141 957,00 |
| 19. | 2102 | Цепь, о/в 22,98 гр., 585 пр.; цепь, о/в 10,87 гр., 585 пр.; цепь, о/в 5,03 гр., 585 пр. | 18 891 685,00 |
| 20. | 2336 | Цепь, о/в 15,12 гр., 585 пр.; браслет, о/в 8,05 гр., 585 пр.; кулон, о/в 5,40 гр., 585 пр.; кольцо, с кор. кам., о/в 3,71 гр., 585 пр.; кольцо погн., о/в 2,25 гр., 585 пр. | 17 788 741,00 |
| 21. | 2371 | Цепь, о/в 4,54 гр., 585 пр. | 2 479 713,00 |
| 22. | 2426 | Браслет, о/в 1,60 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 1,96 гр., 585 пр.; кольцо с бел, кам., о/в 1,27 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 1,46 гр., 585 пр. | 3 008 413,00 |
| 23. | 1874 | Серьги, о/в 4,14 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 3,91 гр., 585 пр. | 3 572 005,00 |
| 24. | 1936 | Кольцо с бел. кам., о/в 2,38 гр., 585 пр. | 977 035,00 |
| 25. | 2481 | Кольцо с бел. кам., о/в 2,60 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 1,65 гр., 585 пр. | 1 461 521,00 |
| 26. | 2546 | Кольцо, о/в 2,88 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 2,27 гр., 585 пр. | 2 808 457,00 |
| 27. | 2598 | Кольцо с роз. кам., о/в 6,30 гр., 585 пр. | 2 935 728,00 |
| 28. | 2607 | Кольцо с бел. и гол. кам., о/в 3,03 гр., 585 пр.; серьги с брил. 1,50 мм – 12 шт., о/в 4, р., 585 пр.; серьги с бел. кам., о/в 2,71 гр., 585 пр. | 4 534 723,10 |
| 29. | 2692 | Цепь, о/в 6,26 гр., 585 пр. | 3 087 228,00 |
| 30. | 2856 | Серьги, о/в 1,96 гр., 585 пр.; кольцо слом., о/в 1,29 гр., 585 пр. | 1 772 185,00 |
| 31. | 2882 | Кольцо с бел. кам., о/в 2,24 гр., 585 пр.; кольцо, о/в 1,31 гр., 585 пр. | 1 717 657,00 |
| 32. | 2892 | Серьги бел. и гол. кам., о/в 3,97 гр., 585 пр. | 1 899 457,00 |
| 33. | 3071 | Цепь, о/в 4,95 гр., 585 пр.; браслет, о/в 4,06 гр., 585 пр.; кулон, о/в 0,98 гр., 585 пр. | 5 483 935,00 |
| 34. | 3184 | Кулон с бел. кам., о/в 3,27 гр., 585 пр. | 1 769 178,00 |
| 35. | 3250 | Серьги с зел. кам., о/в 4,45 гр., 585 пр.; кольцо с зел. кам. слом., о/в 2,39 гр., 585 пр. | 3 287 185,00 |
| 36. | 3307 | Кольцо с бел. кам., о/в 1,68 гр., 585 пр. | 860 178,00 |
| 37. | 3390 | Цепь, о/в 6,75 гр., 585 пр. | 3 693 228,00 |
| 38. | 3408 | Кольцо, о/в 1,90 гр., 585 пр. | 1 072 278,00 |
| 39. | 3441 | Серьги с бел. кам., о/в 2,68 гр., 585 пр.; кольцо обруч., о/в 2,19 гр., 585 пр. | 2 302 435,00 |
| 40. | 3610 | Кольцо с бел. кам., о/в 3,20 гр., 585 пр. | 1 678 278,00 |
| 41. | 3611 | Серьги с бел. кам., о/в 3,39 гр., 585 пр. | 1 369 207,00 |
| 42. | 3615 | серьги с бел. кам., о/в 1,04 гр., 585 пр.; серьга 1 шт. с бел. кам., о/в 2,23 гр., 585 пр. | 1 393 435,00 |
| 43. | 3619 | Кольцо с бел. и зел. кам., о/в 3,84 гр., 585 пр. | 1 950 978,00 |
| 44. | 3624 | Серьги с бирк., с нитк., о/в 1,35 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., с леск., бирк., пломб., о/в 2,07 гр., 585 пр. | 1 620 684,00 |
| 45. | 3661 | Кольцо с бел. кам., о/в 1,15 гр., 585 пр. | 617 778,00 |
| 46. | 3726 | Серьги с бел. кам. с биркой, о/в 3,72 гр., 585 пр. | 1 217 706,00 |
| 47. | 3758 | Кольцо обруч., о/в 1,72 гр., 585 пр. | 814 728,00 |
| 48. | 3831 | Серьги с бел. кам., о/в 1,20 гр., 585 пр. | 687 457,00 |
| 49. | 3879 | Кольцо с бел. кам., о/в 2,95 гр., 585 пр. | 1 632 828,00 |
| 50. | 3990 | Браслет, о/в 2,36 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о/в 2,25 гр., 585 пр.; кольцо обруч., о/в 1,39 гр., 585 пр. | 3 075 085,00 |
| 51. | 4059 | Кольцо, о/в 2,75 гр., 585 пр. | 1 663 128,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **187 445 549,56** |

Аукцион савдолар **2023 йил 21 декабрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 19 декабрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2023 йил 21 декабрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 5 ва 20 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр Банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (748) 2023 йил 17 ноябрь

# АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ – юрт тараққиётига хизмат қилувчи малакали кадрларни тайёрлаш

**Ўктам САЛОМОВ,** Фарғона политехника институти ректори, техника фанлари доктори.



**Мамлакат тараққиётини белгиловчи омиллар кўп. Шулар орасида қурилиш соҳасининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Зеро, тинч-осойишта, жадал ривожланаётган ва мақсаду марраларни юқори олган, келажакни ўйлаган давлатдагина бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилади. Ўзбекистон ҳам мана шундай мамлакат. Бундай эзгу мақсадли ишларнинг бошида давлатимиз раҳбари турибди. Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, шаҳар марказларида катта-катта иморатлар барпо этилмоқда. Қурилиш соҳасидаги бу жараён нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият бағишламоқда. Айниқса, аҳолини арзон ва қулай турар жойлар билан таъминлаш бўйича мақсадли дастурлар доирасида намунали кўп қаватли уйлар, маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектлар қуриляптики, булар ён-атроф инфратузилмасини яхшилашга ҳам хизмат қиляпти.**

Кейинги йилларда юртимизда кўплаб уй-жойлар, таълим муассасалари, шифохоналар, йирик заводлар, йўллар ва кўприклар қурилди. Соҳа учун зарур ашёларни ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти. Натижада қурилиш жараёни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминланяпти. Ваҳоланки, илгари бундай имкониятлар йўқ эди. Бундан беш-олти йил аввал мамлакат бўйлаб замонавий “сити”лар қурилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Мана, бугун нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам замонавий шаҳарчалар бунёд этилди ва бу жараёнлар давом этяпти. Булардан англаш мумкинки, Ўзбекистонда йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, осмонўпар биноларни тез ва сифатли барпо қилишга қодир бўлган қурилиш индустрияси шаклланди, соҳа ходимларининг тажрибаси, малакаси юксалди.

Қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Президентимизнинг 22 та ҳужжати ва ҳукуматнинг 21 та қарори қабул қилингани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодекси янги таҳрирда қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Умуман олганда, бугун мамлакатимизда қурилиш соҳасида янги авлод шаклланиб, соҳага замонавий услублар жорий этилмоқда.

Дунёда содир бўлаётган кучли зилзилалар оқибатида юзага келаётган турли хил талафотлар мамлакатимизда сейсмик хавфсизликни таъминлаш ишларини жадаллаштириш, соҳага замонавий ёндашувларни жорий этишни талаб этмоқда. Сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг янги усулларини жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, кучли зилзилаларни прогноз қилиш ва уларга тайёргарлик кўришнинг замонавий тизимини амалиётга татбиқ этиш каби масалалар ҳозирда бутун дунёда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-144-сонли фармони ҳамда 2023 йил 16 майдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-158-сонли қарори чиқарилди.



Қайд этилган Фармонда Сейсмик мустаҳкам бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш йўналишида малакали кадрларни тайёрлаш тизимини ҳудудлар кесимида кенгайтириш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва Фарғона политехника институтида “Бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги” таълим мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилиши қайд этилган. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Фарғона политехника институти Қурилиш факультетининг Геодезия, картография, кадастр ҳамда Бино ва иншоотлар қурилиши кафедраларида ишчи гуруҳ ташкил этилди. Мазкур ишчи гуруҳ томонидан Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар ҳамда Бино ва иншоотлар конструкциялари зилзилабардошлигини баҳолаш ўқув-илмий лабораторияларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Бино ва иншоотлар конструкциялари зилзилабардошлигини баҳолаш ўқув-илмий лабораторияси учун жами 33 номдаги лаборатория жиҳозлари рўйхати шакллантирилди. Мазкур жиҳозлар асосида 50 дан ортиқ лаборатория ишларини шакллантириб, ўқув дастурларига киритиш бўйича келишиб олинди. Ушбу лабораториянинг харид қилиниши бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини баҳолаш бўйича синов натижалари самарадорлигини оширади ҳамда сейсмик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, қурилиш соҳасида янгича ғояга эга бўлган ёшларни билимли ва малакали этиб тарбиялаш, инновацион тараққиёт талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий мутахассислар тайёрлаш мақсадида институтда 2022 йил бошида “FERPI HITECH ENGINEER” унитар корхонаси ташкил қилинган. Унитар корхона таркибида “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш” илмий-тадқиқот маркази, “Топографик лойиҳалаш” илмий-тадқиқот маркази ҳамда аккредитацияланган “Қурилиш синов лабораторияʺ илмий-тадқиқот маркази фаолият олиб бормоқда.

“Бино ва иншоотларни лойиҳалаш” илмий-тадқиқот маркази томонидан худудимизда жойлашган “GLOBAL TEXTILE INFINITY” МЧЖ, “QO‘QON GLOBAL TEXTILE” МЧЖ каби корхоналарнинг бино ва иншоотлар конструкциялари зилзилабардошлигини ўрганиб, хулосалар берилди. Аккредитацияланган “Қурилиш синов лаборатория” илмий-тадқиқот маркази томонидан деворбоп, бетон маҳсулотлари, керамик материаллар, металлоконструкциялардан иборат 22 турдаги қурилиш материаллари синовдан ўтказилади ва хулосалар берилади. Унитар корхонада ҳозирги кунда 35 нафардан ортиқ талаба ёшлар ҳамда магистр ва докторантлар фаолият олиб бормоқда. Ушбу корхона томонидан жорий йилда 900 млн сўмлик хўжалик шартномалари бажарилди.

Булардан ташқари, архитектура ва қурилиш соҳасида дунёдаги етакчи олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари бўйича бир нечта истиқболли ҳамкорликлар амалга оширилди. Хусусан, айнан шу йўналишда дунёнинг ТОП-10 талигига кирувчи Италиянинг Турин политехника университети билан институт кадрларни тайёрлаш бўйича икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳамкорлик лойиҳалари доирасида Италиянинг Турин политехника университети билан тузилган шартнома ва келишувларга мувофиқ, институтимиз ҳамда ТПУнинг салоҳиятли профессор-ўқитувчиларидан иборат (6+6) лойиҳа гуруҳи, яъни “PoliTo-FerPi design group” ташкил этилди. Ҳозирда ушбу гуруҳ томонидан Фарғона политехника институти ҳудудида қуриладиган “Технопарк” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, институт ҳудудида қурилиши режалаштирилган “1000 ўринли ўқув биноси” лойиҳаси ҳам жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқиляпти. Ушбу гуруҳ вилоят қурилиш соҳасидаги яна 3 та катта лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

Шунингдек, институтда Япониянинг “Willtec”, “Wat consulting” ва “Nippondo” компаниялари билан биргаликда япон стандартларига асосланган таълим дастурларида талабаларни қурилиш ва архитектура йўналиши бўйича таълим олишлари ташкил қилинди. Ҳозирги кунда ушбу марказда 30 нафар талаба таҳсил олмоқда. Келажакда бу мутахассислар япон тили ва япон технологияларини ўрганиб, нафақат Ўзбекистонда, балки Японияда ишлаш имкониятига ҳам эга бўлишади.

Бир сўз билан айтганда, институтда амалга оширилаётган барча ишлар замирида келгусида юртимиз қурилиш-бунёдкорлик соҳасига етук ва малакали кадрларни етиштириб беришдек масъулиятли вазифа мужассам. Биз таълим соҳаси вакиллари эса бу борада янада катта ғайрат ва иштиёқ билан ҳаракат қилишда давом этамиз.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Ноябрь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Ҳамза Очилов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси **Умида Байзакова,** раҳбар котибаси **Наргиза Муратходжаева,** Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Бобур Байзақов,** Компьютерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник **Абдулазиз Дўсёров,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбар котибаси **Гулчеҳра Путтиева,** Комплаенс бош мутахассиси **Даврон Муҳаммедов,** Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва ташишга қўйиладиган технологик талабларга риоя этилишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Ахрорхўжа Иброҳимхўжаев,** Компьютер техникаларига хизмат кўрсатиш бўйича техник **Даврон Касимов,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi” DM етакчи мутахассиси **Рустамбек Аббасов,**

“Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” юрисконсульти **Акмалжон Аюбджанов,**

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Билолиддин Абдумуталлиев,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси Лойиҳа бош муҳандислари **Фарҳод Гулямов, Павел Терычный,** етакчи муҳандислар **Димитрий Головин, Динара Умарова,**

“Ташгипрогор” 1-сонли дизайн сектори дизайн жамоаси раҳбари **Илсаярь Бикметова,** 2-тоифали муҳандис **Сайдиамир Сайдиакбаров,** техник **Расулжон Абдумажитов,** 1-тоифали иқтисодчи **Наталья Агзамова,** Режалаш ва ишлаб чиқариш бўлими бош муҳандиси **Наталья Невидомская,** муҳандис **Нодира Туляганова,** Чизмачиликни автоматлаштириш сектори гуруҳ раҳбари **Муқаддас Абдураҳмонова,** Қурилишларни тузиш ва мустаҳкамлаш бўлими иқтисодчиси **Екатерина Игнатюк,**

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ етакчи мутахассиси **Марҳамат Рўзиева,** бош лойиҳалар муҳандислиги бюроси муҳандиси **Григорий Пыров,** АСС-2 муҳандиси **Барно Маннопова,** Бино ва қурилишларни текшириш ва ягона техник ечимларини ишлаб чиқариш бўлими катта муҳандиси **Улуғбек Абдураҳманов,** етакчи муҳандис **Аҳрорходжа Баҳриддинов,** бош мутахассис **Райҳана Низамутдинова,** етакчи мутахассис **Нигора Сафаева,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Амиратдин Алауатдинов,** Тахтакўпир тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор **Айбек Жумамуратов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Ажинияз Ажимуратов,** мутахассис **Бердимурат Уразбаев,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Диловар Муҳидова,** Когон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси **Соҳибжон Қодиров,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспекторлари **Акмал Ҳамидов, Шаҳриёр Ҳайдаров, Жамшид Сулаймонов,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Нажмиддин Ҳомидов,** етакчи мутахассис **Мадат Толибов,** Девонхона етакчи мутахассиси **Умар Алламов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Мамажон Мирзаев,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бош ҳисобчиси **Зулфия Ҳасанова,** Шаҳар ва туманлар қурилиш бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Нуриддин Мустафаев,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi” DM Самарқанд вилояти филиали етакчи мутахассиси **Жавоҳир Рўзиев,** етакчи мутахассис **Шодиёр Джаманкулов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи **Аҳмаджон Фозилов,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси етакчи мутахассиси **Азизбек Қурамбаев,** Уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Алишер Саидов,**

Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги “Бал коммунал хизмат сервис” МЧЖ бош директори **Моҳичеҳра Деҳқонова,**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги “Дилшодбек бошқарув сервис” МЧЖ бош директори **Дилшод Джумаев,** Когон туманидаги “Когон Бунёдкор Коммунал” МЧЖ бош директори **Шавкат Нарзиев,** Қоровулбозор туманидаги “Қоровулбозор коммунал сервис БСК” МЧЖ бош директори **Жўрабек Сафаров,**

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги “Таъмирлаш-тиклаш ТТС” МЧЖ бош директори **Ориф Турсунбоев,**

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги “Элегант Комплекс Коммунал сервис” МЧЖ бош директори **Мўтабар Авлякулова,** “Универсал сервис” МЧЖ бош директори **Елена Ҳакимова,** Чироқчи туманидаги “Кўпга мадад” МЧЖ БСК бош директори **Рустам Алиқулов,**

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Navoi Comfort City Pbk” МЧЖ бош директори **Нодирбек Маҳаматов,** Зарафшон шаҳридаги “Sanoat Zar-2022 Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Миржалол Умаров,**

Наманган вилояти, Давлатобод туманидаги “Umid Tezkor Servis” ПБК МЧЖ бош директори **Алмира Султанова,**

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридаги “Қўрғон сервис бошқарув” МЧЖ бош директори **Тўлқин Раҳмонов,**

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги “Oydin Central Service” МЧЖ бош директори **Малоҳат Ҳунарова,**

Тошкент шаҳар, Қорақамиш туманидаги “Qora-qamish yuksalish servis” МЧЖ БСК бош директори **Сайёра Мирзаева,** Сергели туманидаги “Tezkor servis ID” МЧЖ бош директори **Исоқ Турдиқулов,** Чилонзор туманидаги “Тоза туман” МЧЖ бош директори **Алишер Мирюнусов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1137.
1619 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 00.45. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2023 йил 28 ноябрь куни чиқади.